САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ийд ал-фитр байрами муносабати билан Сиз, жаноби олийларига ўзимнинг қизғин қутловларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади. Сизга бахт-саодат, мамлакатингизнинг биродар халқига эса муттасил тараққиёт тилайман.

Юксак эҳтиром ва ҳурмат билан
Шайх Зайд бин Султон Ол Нахаён,
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти.

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ийд ал-фитр байрами муносабати билан Сиз, жаноби олийларига самимий қутловларимни йўллашдан бағоят мамнунман. Сизга сиҳат-саломатлик, мамлакатингизнинг биродар халқига эса маъмурчилик ва равнақ тилайман.

Мактум бин Рашид Ол Мактум, Бирлашган Араб Амирликлари Президентининг ўринбосари ва Бош вазири.

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ийд ал-фитр байрами муносабати билан Сиз, жаноби олийларига мамнуният ила ўзимнинг самимий қутловларимни йўллайман. Сизга сиҳат-саломатлик, мамлакатингизнинг биродар халқига эса маъмурчилик ва равнақ тилайман.

Султон бин Зайд Ол Нахаён, Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари.

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Ийд ал-фитр байрами муносабати билан Сиз, жаноби олийларига ва Ўзбекистон Республикасининг биродар халқига самимий табрик йўллаш менга катта қувонч бахш этади.

Қодир Аллоҳдан ушбу муқаддас байрам Сизга бахт-саодат ва сиҳат-саломатлик, халқингизга равнақ ва фаровонлик келтиришини илтижо қиламан.

ҲАФИЗ АЛ-АСАД,
Сурия Араб Республикаси Президенти.

ҲАДИСЛАР

■ *Одамларга ташаккур айтмаган киши Аллоҳ таолога ҳам шукрона келтирмайди.*

***

■ *Отанинг ёз фарзандига берган тарбияси катта миқдор пул садақа қилгандан кўра авлороқдир.*

***

■ *Кимки ташландиқ ерни обод қилса, бу ер ўшаники бўлади. Бу ерда золим кишининг (ҳатто) тер тўкишига ҳам ҳаққи йўқ.*

***

■ *Мўмин бандалардан кимки кўчат ўтказса ёки зироат экса, ундан инсон ёки қуш ёки ҳайвонлар баҳраманд бўлиб, у банда учун бир садақа ҳамдир.*

***

■ *Дунёдан ўтган кишиларнинг яхши фазилатларини эслаб, ёмонликлари ҳақида оғиз очмангиз.*

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 20 февраль, сешанба № 22 (21.943).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУБОРАК РАМАЗОН ҲАЙИТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам азиз биродарлар!

Аллоҳ Субҳанаху ва Таолога ҳамду санолар, беадад шукрлар, пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу Алайҳи Васалламга дуруду салавот, саломлар бўлсинким, муборак Рамазон ҳайити шарофати ила Ўзбекистон халқини бу қутлуғ айём ила чин қалбдан муборакбод этишга муяссар бўлдик.

Мана шундай саодатли, муборак Рамазон ойида қилган барча ибодатларимизни, тутган рўзаларимизни Аллоҳ Таоло даргоҳида ҳусни қабул айлаб, бандачилик билан қилган баъзи масиятларимизни мағфират айласин.

Муборак Рамазон ойи арафасида жорий йилнинг буюк соҳибқирон «Амир Темур йили» деб эълон қилиниши жумҳуриятимизнинг барча фуқароларини ғоят мамнун этди.

Аллоҳ Таоло бу йилимиз янада қутлуғ, деҳқонларимиз учун файзу баракотли бўлишини насиб қилсин.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига ва эрксевар дунё халқларига тинчлик-омонлик, бахт-саодат, хонадонларига қутбарака тилаб, келаси Рамазон ойларига ҳам соғ-саломат етиб боришимизни ҳақ субҳанаху ва Таоло барчамизга насиб айласин. Омин!

МОВАРОУННАҲР МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

МУБОРАК ҲАЖ ЗИЁРАТИГА БОРУВЧИЛАРГА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ЁРДАМ КЎРСАТИШ ҲАҚИДА

Мамлакатимиз мусулмонларининг муборак ҳаж сафарини ташкил этишга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Моваро уннаҳр мусулмонлари идорасининг 1996 йилги ҳаж зиёратини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Муборак ҳаж сафарини ташкил қилиш, зиёратчилар рўйхатини кенг жамоатчилик фикрини эътиборга олган ҳолда тузиш, уларнинг эҳтиёжлари ва талабларини одилона ва холисона қондириш, бу жараёнда ҳар томонлама адолатни таъминлаш масъулияти тўлалигича Моваро уннаҳр мусулмонлари идорасининг раҳбарияти, унинг жойлардаги мутасадди вакиллари зиммасида эканлиги эътиборга олинсин.

2. Моваро уннаҳр мусулмонлари идорасига 1996 йил ҳаж сафарини ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита бевосита ёрдам кўрсатсин.

3. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (Ғ. Рафиқов) 1996 йил апрель ойида зиёратчиларни Жидда шаҳрига олиб бориш ва қайтариб келиш, зиёратчилар учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг харажатларини қисқартириш мақсадида самолётларда жўнаш ва қайтиш пунктларини жойларда ташкил қилиш масалаларини ҳал этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Комилов), Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Гатаулин) Моваро уннаҳр мусулмонлари идорасининг тақдимига кўра зиёратчиларнинг сафар ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ш. Каримов) зиёратчиларни Саудия Арабистонининг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда тиббий кўрикдан ўтказишни ва ҳаж даврида тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р. Иноятов) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ноқонуний йўллар билан ҳаж зиёратига бориши оқибатида рўй берадиган кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш ва зиёратчиларнинг умумий хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини белгиласинлар.

7. «Ўзбексавдо» давлат акционерлик уюшмаси (З. Файзиев) ва «Ўзбекбирлашув» уюшмаси (Ф. Бурхонов) Моваро уннаҳр мусулмонлари идорасининг буюртмаларига мувофиқ жойларда зиёратчилар учун керакли буюмлар савдосини ташкил этсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (Р. Азизов) Моваро уннаҳр мусулмонлари идораси тасдиқлаган рўйхатга асосан Ўзбекистон Республикасидан ҳаж зиёратига борувчи ҳар бир фуқаро учун 1238 АҚШ долларини имтиёзли — воситачилик ҳақи олинмаган ҳолда алмаштириб беришни таъминласин.

Зиёратчиларнинг тегишли миқдордаги сўмларини жойларда умумлаштирилган ҳолда йиғиб олиш ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг тегишли бўлимларига топшириш Моваро уннаҳр мусулмонлари идорасининг мутасадди вакиллари зиммасига юклансин.

Бу маблағлар Моваро уннаҳр мусулмонлари идорасининг Миллий банкдаги махсус ҳисоб рақамига жамланиб, белгиланган миқдори конвертация қилинсин.

Моваро уннаҳр мусулмонлари идораси барча зарур тўловларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг чет эл банкларидаги корреспондент ҳисоблари орқали пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

Ушбу мақсадлар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Б. Ҳамидов) Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига Ўзбекистон Республикаси биржаси орқали 4 миллион 333 минг АҚШ долларини сотишни таъминласин.

9. Моваро уннаҳр мусулмонлари идораси ҳамда оммавий ахборот воситаларига муборак ҳаж зиёратининг моҳияти ва талабларини, уни амалга оширишнинг тартиб-қоидаси, муддати, барча шартларини, унинг якунларини кенг ва ошкора ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 19 февраль.

Боёвутлик Мурод бобо Жўраев: «Шу кунларга етказганингга шукр!»

Турғунбек МАҲКАМЗОДА ва Нуриддин МАҲКАМОВ олган сурат.

МАРМАРГА САЙҚАЛ БЕРИБ

ҚАРШИ (мухбиримиздан). Китоб туманида «Сайқал» фирмаси икки йил аввал ташкил этилган эди.

Қисқа вақтда фирма жамоаси кўпгина тадбирларни амалга оширди. Хусусан, Тошкентдан мармарни сайқалловчи ускуна келтирилди. Тошкесар дастгоҳлар созланди. «Биз шу атрофдаги Жарқўрғон, Кунқулоқ қишлоғида ишсиз одамларни меҳнатга жалб этдик, — дейди фирма раҳбари Суннатулла Бобомуродов. — Тегирмон, мойжувозларимиз ҳам аҳоли хизматида». Яккабоғ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа-ширкат хўжалиги ҳудудида ҳам мармарни қайта ишлашга мўлжалланган «Импульс» кичик корхонаси ишлаб турибди. Бу ерда эшик даста, зинапоялар учун махсус тиргагичлар тайёрланмоқда.

Илҳом КАРОМОВ.

Ислом КАРИМОВ: ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИДА СОБИТҚАДАМДИР

Мамлакатимиз озод осмонида истиқлолнинг мунаввар қуёши порлаб, демократик давлат қуриш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишга киришилганидан буён жаҳон аҳли, хусусан журналистлар Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб бораётир. Юртимизда ўтказилаётган ислоҳотлар жараёнига алоҳида эътиборнинг боиси шундаки, Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини танлаб, бу йўлдан оғишмай дадил илгарилamoқда.

Ростини айтиш керак, тўғри танлангани бугун кўпгина давлатлар томонидан эътироф этилаётган, ўзининг самараларини бера бошлаган бу йўлга дастлаб муносабат ҳар хил бўлгани эсимизда. Яқин ва узоқ хориждаги оммавий ахборот воситалари мамлакатимиздаги вазият ва ислоҳотлар жараёни билан яқинроқ, батафсил танишмай, юзаки ёзилган мақолаларда Ўзбекистонни обрўсизлантиришга, жаҳон аҳли жумладан, йирик сармоядорлар ҳамда тадбиркорларда юртимиз ҳақида нотўғри тасаввур уйготишга уринган пайтлари ҳам бўлди. Бу борада Россия матбуоти «яловбардорлик» қилганини таассуф билан таъкидлаш жоиз.

Лекин шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, йирокда нотайин манбаларга асосланиб, Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввурда юрганлар ҳар гал юртимиз ҳаёти билан бевосита танишгач, юртбошимиз билан мулоқотда бўлгач, ўзларининг алданиб юрганига имон келтирадилар. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Бир гуруҳ россиялик журналистларнинг мамлакатимизга ташрифи уларга юртимиз иқтисодиёти, ижтимоий ва маданий ҳаёти билан кенг танишиш имконини берди. «Новое время» журнали, «Московские новости», «Известия», «Правда», «Независимая газета», «Сегодня», «Век», «Деловой мир» газеталари, «Озодлик» радиоси Москва бюроси, «Россия радиоси», «Интерфакс» ахборот маҳкамаси, Россия жамоат телевидениеси (ОРТ) вакилларидан иборат россиялик журналистлар республикамиз Олий Мажлисида, Вазирлар Маҳкамасида, Тошкент, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларининг бир неча шаҳар ва туманларида бўлдилар. Талай раҳбарлар, жамоатчилик, сиёсий партиялар вакиллари, оддий фуқаролар билан учрашдилар, баҳс-мунозараларда бўлдилар.

Ўзбекистон билан танишув сафари сўнггида уларни республикамиз Президенти Ислом Каримов қабул қилди.

Ислом Каримов журналистларнинг Ўзбекистон бўйлаб сафари таассуротлари натижасида ёзилажак мақолалар республикамиз билан Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланишига, икки мамлакат халқларининг бир-бирини янада теранроқ тушунишига хизмат қилишига ишонч билдирди.

«Свобода» радиоси Москва бюросининг муҳаррири В. Кулистиков ташрифнинг муҳим аҳамияти ҳақида сўзлар экан, уни ташкил этгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирди. Ўзларининг бу сафари Ўзбекистоннинг демократия тамойилларига қатъий амал қилаётганининг исботи эканини қайд этди.

Ўзбекистон Президенти россиялик журналистлар саволларига жавоб қайтаришга киришар экан, мамлакатимиз барча учун очиқлигини, Ўзбекистон иқтисодиётни сиёсатдан устун қўйган ҳолда жаҳондаги барча давлатлар билан тенг ва ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатаётганини таъкидлади.

Россиялик журналистлар дастлаб Ўзбекистон раҳбаридан мамлакатдаги ички сиёсий вазият ва партияларнинг ҳукумат билан муносабатлари ҳақида сўзлаб беришни сўрадилар. Ислом Каримов бу саволга жавобан мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва демократик ўзгаришлар тўғрисида сўзлади.

— Кўппартиялилик биз учун ҳам янги ҳодиса, — деди жумладан Президент. — Айни пайтда Ўзбекистонда бир неча партия мавжудлиги ва улар Олий Мажлисда ўз фракцияларига эгалигидан воқифсиз. Бироқ, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ҳали шаклланиш жараёнидадир.

Ўзбекистон раҳбари демократиялаш жараёнининг энг муҳим жиҳати жамиятимизда сайлов йўлининг қарор топгани эканига эътиборни қаратди. Сиёсий партиялар шунчаки тузилмай, жамиятдаги маълум қатламга таяниши, бу қатлам вакиллари фикр-ўйлари, иродаси ифодачиси бўлиши лозим. Россияда парламентга сайловлар чоғида элликка яқин сиёсий блоклар тузилган бўлсада, айтарли жиддий сиёсий дастури бўлмагани боис уларни фақат етакчиларига қарабгина фарқлаш мумкин эди. «Люмпенлашув», яъни маънавий қашшоқлик оқибатида ўз қиёфасини йўқотиш, ҳамма нарсага, мамлакат тақдирини ҳал этадиган сиёсий тадбирларга ҳам бефарқлик ҳозирги замонда зоҳир бўлаётган муҳим муаммолардан биридир.

Ислом Каримов «Правда» газетаси мухбирининг Ўзбекистонда коммунистик партия ташкил этилиши мумкинми, деган саволига жавобида бу мавзудаги фикрини янада ривожлантирди. Партиялар фақат миллий заминда барпо этилиши шарт. Хориждаги сиёсий кучлар иродаси, қўмаги билан тузилмаслиги лозим. Зеро, партия мамлакат халқига таяниши, унинг манфаатларига хизмат қилиши даркор. Акс ҳолда кўнгилсиз ҳол рўй бериши турган гап. Коммунистлар бу усулни Ўзбекистонда синаб кўрган эдилар.

Президент журналистларга коммунистик ғояларни юртимизга ташиб келтирганлар Осиё ва Африкадаги айрим мамлакатларга капитализмни четлаб, феодализмдан социализмга сакраб ўтишни Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон мисолида намойиш этишга уринганларини, аслида эса бу ерда «казарма социализми» ҳукм сурганини эслатди. Бизнинг ўлкада коммунистик ғоя миллий асосга эга бўлмаган. У большевиклар томонидан Ўзбекистонга экспорт қилинганини Туркистон марказий ижроқўми раҳбарлари орасида маҳаллий кадрлар бўлмаганидан ҳам билиш мумкин. Коммунистлар маҳаллий кадрларга йўл бериш, миллий қадриятларни ривожлантириш у ёқда турсин, уларни очиқчасига йўқ қилиш билан шуғулланган. Хусусан, маҳаллий миллат вакиллари дастлаб босмачи сифатида қирилди. Ўттизинчи йиллар охирларида эса миллат манфаатини ўйлайдиган маҳаллий зиёлилар халқ душманлари сифатида шафқатсизларча маҳв этилди. Бу сиёсат Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ҳам давом этди. Унинг «лигачевча» тадрижи Горбачев даврида Ўзбекистонда «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» ниқоби остида намоён бўлди. Бугун Россияда ҳукумат тепасига келишга интилаётган ва ўзларини «коммунист» деб атаётган гуруҳ аъзолари собиқ СССРни тиклаш ҳақида сўзлар эканлар, бу фожиаларни унутмасликлари керак. Ўзбек халқи энди ҳеч қачон бундай истибдодга йўл қўймайди.

Хўш, Россияда коммунистлар тарафдорлари ортиб бораётганининг сабаби нимада? Ислом Каримов бунинг боиси — ҳокимият тепасидаги демократик кучлар ислоҳотларни амалга оширишда йўл қўйган жиддий камчиликлар эканини таъкидлади. Улар ўз хатолари билан коммунистлар, шовинистлар ва бошқа мухолиф кучлар тарафдорлари ортишига имкон яратдилар. Коммунистларнинг етмиш йилдан зиёд ҳукмронлиги даврида Ўзбекистонда коммунистик ғоя амалий ildиз отмаганини, маҳаллий миллат вакили коммунистик ғоялар ташувчисига айланмаганини, у аслида оддий «бажарамиз»дан нарига ўтмаган ижрочи бўлиб қолаверганини қайд этди Президент. Шу боис ҳозир Ўзбекистонда коммунистик партия тузилишига миллий замин йўқ.

Ислом Каримов Ўзбекистон жамиятда мулкдорлар синфининг — қатламининг вужудга келишига катта аҳамият бераётганини таъкидлади. Жамиятда ана шундай қатлам вужудга келиб, муқим мавқеени эгаллагандагина мамлакатдаги демократиянинг, жумладан сиёсий партияларнинг барқарорлиги ҳақида сўз юритиш мумкин.

Россиялик мухбирлардан бири Ўзбекистон раҳбаридан мамлакатда хорижий сармояларни жалб этиш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида катта ютуқларга эришилганининг боиси хусусида сўради. Хорижий сармоялар ҳеч қайси мамлакатга ўз-ўзидан оқиб келмайди, деди Ислом Каримов. Хорижлик сармоядорлар маълум мамлакатга сармоя солишдан аввал ундаги вазият, қонунларни чуқур ўрганадилар. Ўзбекистонни 2-3 йил давомида синчковлик билан ўрганган японияликлар бунга мисол бўла олади. Кунчиқар мамлакатида бу ишга давлат кенг кўмаклашади. Жамғармалар шаклидаги махсус тадқиқот муассасалари маълум мамлакатга сармоя солиш манфаатли ёки йўқлиги ҳақида хусусий компанияларга тавсиялар берадилар. Биз буни билган ҳолда ислоҳотларнинг бошланишиданоқ энг устивор соҳаларни аниқ белгилаб олган эдик, деди Президент. Бу соҳаларни ривожлантириш учун сармоядорларга кенг имтиёзлар, ҳатто сиёсий кафолатлар берадиган қонунлар яратилди. Эришилаётган ютуқларнинг боиси ана шунда. Биз

(Давоми 2-бетда).

Ислом Каримов: ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИДА СОБИТҚАДАМДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

сармояларни аниқ лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтирмоқдамиз. Сармоядорлар эса аниқликни ёқтиради.

Ислом Каримов хорижлик ишбилармонларни жалб этишда уларнинг мамлакат имкониятларидан воқифлиги муҳим аҳамият касб этишини айтди. Шу боис мен жаҳондаги йирик бизнесменлар, иш одамлари, давлат раҳбарлари йиғиладиган Давос учрашувларида беш йилдан бери мунтазам иштирок этиб келмоқдаман, — деди Президент. Шу ўринда юртбошимиз «УзДЭУавто» корхонаси ва Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводи қурилишига хорижлик ишбилармонлар билан тенг шериклик тамойилида сармоя сарфланганини таъкидлади. Ўтган йилда мамлакатимизда 1 миллиард АҚШ доллари ҳажмида сармоя ўзлаштирилди.

Тадбиркорларга яратилган шарт-шароитлар ҳақида шуни айтиш мумкинки, бизда қўшма корхоналар 5—7 йилгача солиқдан озод қилинишини, хорижлик сармоядор 10 йил давомида Ўзбекистондаги корхонасини у барпо этилган даврдаги қонун ва шартларга асосан бошқариши кафолатланганини эслаш жоиз, — деди Ислом Каримов. — Мамлакатда бу даврда мазкур соҳага оид қонунлар ўзгарган тақдирда ҳам у истаса аввалги қонун асосида иш юритиш имкониятига эгадир. Ислоҳотларни босқичма-босқич, режали тарзда пухта ўйлаб амалга ошириш уч йил ичида нефть мустақиллигига эришиш имконини берди. Биз ғалла мустақиллигига эришиш арафасида турибмиз.

Илгари нефть олишга сарфланадиган пахтани жаҳон бозорида сотишдан тушган маблағни бошқа соҳаларни ривожлантиришга, жумладан сўмнинг қадрини оширишга сарфлаш имкони туғилди. Биз 1996 йилда сўмнинг тўла ички конвертация қилинишига эришамиз, — деди Ўзбекистон раҳбари, — бунинг учун пухта ҳисоб-китоб ва етарли имкониятларга эгамиз. Ўтган йили валюта биржаси орқали 1,5 миллиард АҚШ доллари сотган бўлсак, жорий йилда бу кўрсаткич 2,6 миллиард долларга етиши мўлжалланмоқда.

Банк тизими соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар россиялик журналистларнинг қизиқиш доирасидан четда қолмади. Мамлакатдаги ислоҳотларни банк тизимини замонавий талаблар асосида қайта қурмай туриб амалга ошириш қийин, деб таъкидлади Ислом Каримов. Ҳозир мамлакатимизда қарийб 25 та банк мавжуд. Марказий банк, Халқ банки, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Савдогарбанк», «Тадбиркорбанк», «Алоқабанк», «Пахтабанк», «Ғаллабанк» шулар жумласидандир. Давлат банклари қаторида хусусий ва тижорат банклари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг фаолияти доимо назоратда. Шунинг учун бўлса керак, бизда собиқ Иттифоқ ҳудудида вужудга келган айрим мамлакатлардагидек алданган омонатчилар йўқ ва бўлмайди ҳам.

Банклар ҳар томонлама оёққа туриб олиши учун уларнинг дастлабки беш йил давомида олган фойдасидан солиқ олинмайди. Улар бу маблағни замонавий ускуналар, компьютерлар сотиб олишга, хизмат кўрсатиш соҳасини яхшилашга сарфлаётир. Айни пайтда банкларда пул ўтказишнинг электрон тизими кенг қўлланмоқдаки, бу бугун иқтисодиётнинг юксалишига самарали таъсир эта бошлади. Масалан, бир кунда Тошкент ва Нукусга беш маротабагача маблағларни бемалол кўчириб ўтказиш мумкин.

Президент ўтган йили ташкил этилган «Асакабанк» ҳақида муфассал тўхталди. Асосан «УзДЭУавто» автомобиль заводига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган бу банк мамлакатимиз фуқароларининг янги автомобиллар сотиб олишига кўмаклашади.

Фуқароларимиз автомобиль нархининг 25 фоизини тўлагач, ушбу банк уларга машина баҳосининг қолган 75 фоизини тўлаш учун имтиёзли кредит беради. Банк Низом жамғармаси Ўзбекистон олтинини жаҳон бозорида сотишдан тушган маблағ ҳисобига яралди. Бу мамлакатимиз ер ости бойликларидан халқимиз шу тахлит баҳраманд бўлишини кўрсатади.

Журналистлардан бири аҳолисининг асосий қисми Ислом динига эътиқод қилишини таъкидлаб айни вақтда дунёвий жамият қураётган Ўзбекистон Ислом дунёси билан Ғарб мамлакатлари ўртасида кўприк вазифасини бажариш имкониятига эгами, деб савол берди.

Ислом Каримов ҳозир у ёки бу цивилизация ёхуд минтақалар орасида аллақандай кўприк бўлиш ҳақида сўзлаш урф бўлганини истеҳзо билан қайд этар экан, Ўзбекистон ҳеч қачон ҳеч кимнинг олдида ҳеч қандай кўприк бўлмаслигини кескин таъкидлади. Биз ўзимизнинг аниқ мақсадларимизга эгамиз. Ундан оғишмай бораверамиз, деди Ўзбекистон Президенти. Бу жаҳон иқтисодиётига, цивилизациясига интеграциялашув йўлидир. Жаҳондаги йирик мутахассислар томонидан синчиклаб ўрганилган ва юксак баҳоланган Конституциямизда дин давлатдан ажратилгани ёзиб қўйилган. Биз Ислом динига сиёсий эмас, балки маънавий қадриятимиз сифатида қараймиз ва баҳо беramиз. Хулоса шуки, биз ўз қадриятларимизни жаҳон цивилизациясидан ажратмаймиз, бу — биз келажагимизни теран миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамоҳанглигида кўрамиз, деганидир. Аммо, республика раҳбарияти жамиятни тараққий эттиришда ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳаракат қилиш ҳақида сўзлаганда буни «Ўзбекистон ўз демократиясини яратмоқчи» деб тушунмаслик керак, деди Президент. Гап бу ерда, айтайлик, Японияда демократик тузум Америкадаги демократиядан фарқ қилиши, хусусан, Ғарб кишиларига индивидуализм, Шарқ кишиларига эса жамоага боғланиб иш кўриш хослиги ҳақида бормоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётда катта обрўга эга бўлган маҳаллалар тизимига жиддий эътибор қаратилаётир.

Сўнгра журналистлар Ўзбекистоннинг кўпмиллатли давлат эканини қайд этар эканлар, русийзабон аҳолининг давлат тизимида ва мамлакатимиз билан Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатлар ривожида қандай ўрин тутиши билан қизиқдилар. Кўпмиллатлилик Ўзбекистон учун кўпгина соҳада устунлик яратади. Бинобарин, фақат бир миллат вакиллари яшайдиган мамлакатдан кўра фуқаролари кўпмиллатли бўлган мамлакатнинг имкониятлари кенгроқдир, деди Президент. Ҳозирги кунда мамлакатимиз фуқаролари миллати, эътиқодидан қатъи назар тенглик, ўзаро дўстлик ва тотувликда ҳаёт кечирмоқдалар. Шу ўринда Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган сессиясида Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилинганини ва у мамлакатимизда яшовчи барча миллат вакиллари учун бирдай манфаатли эканини таъкидлаш лозим.

Маълумки, бир неча йил муқаддам эълон қилинган Давлат тили ҳақидаги Қонун жамиятнинг ўша пайтдаги ҳолати таъсирида қабул қилинган эди. Жамият энди ҳиссиётлар даврини босиб ўтиб, у ҳар томонлама юксалиб бораётир, шу боис бу Қонунни ривожланган давлатлардаги каби жамият тараққиётига, умуминсоний қадриятлару халқаро ҳуқуқ мезонларига мос ҳолга келтириш имконияти пайдо бўлди. Президент жамиятимизнинг улғайганини бу ўзгаришлар сокинлик ва тушуниш билан қабул қилинганидан билиш мумкинлигига эътиборни қаратди.

«Интерфакс» ахборот маҳкамаси мухбири Ўзбекистон давлат бюджети тақсимоти, аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексациялаш мавзусига қизиқиш билдирди. Ислом Каримов мамлакатимиз бюджети тақсимоти ҳақида батафсил маълумот берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат бюджетининг катта қисмини ижтимоий соҳага сарфлаш режалаштирилган. Жумладан, аҳолини ҳимоялашга сарфланажак харажатлар бюджетнинг икки бандида ўз ифодасини топган. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш деб номланган бу бандларда қайд этилган маблағ ўтган йилдагидан анча кўп бўлиб, бюджет ҳаражат қисмининг 51,4 фоизига баробардир.

Ўзбекистон раҳбари саволнинг иккинчи қисмига жавоб берар экан, республика Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори муносабати билан мамлакатимизнинг 5 миллион 600 минг фуқароси омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш имкониятига эга бўлганини, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган бу тадбир ҳар томонлама пухталик билан ишлаб чиқилганини қайд этди.

Ҳар бир мамлакат тараққиётга интилар экан, олга юришга монелик қилиши мумкин бўлган хавфни ҳисобга олиши керак. Ҳўш, Ўзбекистоннинг ички ва ташқи хавфсизлигига нималар дахл қилиши мумкин? Хусусан, демографик муаммолар мамлакат барқарорлигига хавф солмайдими? Мухбирнинг ушбу саволига жавобан Президент Ислом фундаментализми, аниқроғи халқаро экстримизм, Афғонистондаги уруш ва Тожикистондаги нотинчлик минтақа хавфсизлигига катта путур етказаётганини таъкидлади.

— Мен икки маротаба БМТ минбаридан жаҳон ҳамжамияти эътиборини ушбу муаммога қаратдим, деди Ислом Каримов. Йирик давлатларнинг ўзаро манфаатлари тўқнаш келган бу заминда тинчликни таъминлаш учун аввало БМТ Афғонистонга қурол-яроғ сотишни тақиқлаши зарурлиги ҳақида билдирган таклифим яқинда Европа парламенти томонидан қўллаб-қувватлангани ва бу таклиф БМТ Хавфсизлик Кенгашига тавсия этилганидан мамнунман.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш тарафдори сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу ўринда БМТнинг Тошкентда ўтказилган Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган кенгаш-семинарини эслаш жоиздир. Бу семинарни ўтказишни ҳам мамлакатимиз раҳбари БМТ минбаридан туриб таклиф қилган эди. Юртбошимиз журналистлар билан суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг Афғонистон орқали денгиз портларига чиқадиган автомобиль йўли қуриш нияти афғон тупроғида давом этаётган уруш туфайли амалга ошмай турганини ачиниш билан таъкидлади. Бу йўл қурилишининг бошланиши қурол тутишга ўрганган неча юз минглаб кишиларни меҳнат, яъни ризқу рўз билан таъминлаш имконини берар эди.

Мулоқот давомида Президент айримларнинг Афғонистон ҳукуматига мухолиф бўлган Абдурашид Дўстумни «ўзбек генерали» деб аташларини тушунолмаслигини баён қилди. Ҳамонки, А. Дўстум Афғонистон фуқароси экан, демак, у Афғонистон генерали бўлади. Бинобарин, генерал унвонига эга, айтайлик, Ўзбекистон фуқароси қайси миллатга мансуб эканлигидан қатъи назар, ҳақли равишда Ўзбекистон генерали, деб аталади.

Мамлакатимизда қарор топган фуқаролар тотувлигига, мустақил Ўзбекистоннинг эркин демократик жамият қуриш йўлидаги фаолиятига Россиядаги айрим шовинистик кучлар ҳам хавф солиши мумкинлигини Ислом Каримов алоҳида таъкидлаб ўтди. Демографик муаммолар Ўзбекистонга хавф солмайди. Ўзбекистон раҳбари ўз фикрини Жанубий Корея мисолида исботлади. Корея Республикасида 2 миллион гектардан зиёд ҳайдаладиган ер мавжуд. Мамлакат аҳолиси 42 миллиондан зиёд. Ўзбекистон эса 4 миллион гектардан ортиқ ер майдонига эгадир. Мамлакатимиз аҳолиси 23 миллиондан ошди, колос. Рақамларнинг ўзиёқ юртбошимизнинг ҳақлигидан гувоҳлик беради. Суҳбат айланиб матбуот мавзусига келди. Россия матбуотида мамлакатимиз ҳақида бир қанча мақолалар ёзган «Известия» газетаси мухбири В. Вижутович матбуот Ўзбекистонда «тўртинчи ҳокимият» вазифасини қандай бажарётгани ҳақида савол берди.

Ислом Каримов бу ҳақда сўзлар экан, матбуот Ўзбекистонда ҳали Ғарбдагидек мавқега кўтарила олмаганини, аммо бу борада бир қанча ишлар амалга оширилаётганини, хусусан, тажриба ўрганиш учун ёш журналистлар хорижий мамлакатларга жўнатилаётганини маълум қилди.

Президент мамлакатда амалга ошаётган ишлардан раҳбар сифатида тўла қониқмаётганини айтди. Боқимандалик кайфиятидаги раҳбарлар ҳамон мавжудлигини, умуман боқимандаликни ўзининг асосий мухолифи, деб билишини қайд этди. Афсуски, бу иллатдан ҳанузгача қутила олганимиз йўқ.

Учрашув якунида юртбошимиз мамлакатимизга ташрифи ва Ўзбекистонда кечаётган воқеаларга қизиқиш изҳор этганлари учун россиялик журналистларга миннатдорлик билдирди. Уларнинг икки мамлакат халқлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорликка ҳисса қўшиш йўлидаги фаолиятига муваффақият тилади. Россиялик журналистлар самимий қабул, очиқ-ошкора суҳбат учун юртбошимизга ташаккур изҳор этдилар.

Суҳбат якунлангач, биз россиялик журналистлардан баъзилари билан фикрлашдик. Жумладан, «Озодлик» радиоси Москва бюросининг муҳаррири Владимир Кулистиков Ўзбекистон сафаридан олган таассуротлари хусусида бундай деди:

— Сафар давомида Ўзбекистон Президентининг ислоҳотларни амалга ошириш ва жамиятни демократиялаш йўлида қатъият билан ҳаракат қилаётганига гувоҳ бўлдик, — деди ҳамкасбимиз. — Биз Ўзбекистоннинг турли вилоятларида турфа касбдаги кишилар билан учрашдик. Уларнинг ўз келажакларидан кўнгли тўқ ҳолда яратиш, бунёдкорлик билан бандлигини кўрдик. Ўзбекистонда ислоҳотлар билан бир вақтда ўтиш даврида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатилаётгани ибратлидир. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари ўзга давлатлар томонидан муносиб баҳоланиши керак, деган фикрдаман.

Россиялик журналистларнинг мамлакатимизга сафари, юртбошимиз билан бўлган учрашуви республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақидаги, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилаётгани хусусидаги уларнинг узуқ-юлуқ фикр ҳамда тасаввурларига барҳам беради, ёзилажак мақолаларида Ўзбекистондаги ҳақиқий ҳолат ўз ифодасини топади, деб ишонамиз. Зотан, юз марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал, деган гап ҳаммадан кўпроқ биз, журналистларга тегишлидир.

Амирқул КАРИМ,
(ЎзА).

Ҳаёт билан ҳамнафас

КОТИБЛАР СЕМИНАР-КЕНГАШИ

Ўзбекистон ХДП Янгибозор туман кенгашида бошланғич партия ташкилотлари котиблари семинар-кенгаши ўтказилди.

Туманда бошланғич партия ташкилотлари котибларининг қарийб 25 фоиздан кўпроғи алмаштирилганлиги сабабли ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг XV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни бошланғич партия ташкилотлари котибларига, улар орқали барча партия аъзоларига етказиш зарурати туғилганлиги, пленум қарорларида бошланғич партия ташкилотлари олдига катта талаблар қўйилганлиги боисдан мазкур семинар ташкил қилинганлиги таъкидланди.

Семинар-кенгашда партиямиз аъзоларининг асосий вазифаси фуқароларимизда ташаббускорлик, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, кишилар ўртасида боқимандалик кайфиятига барҳам бериш, партия сафини ўстириш, унинг сафига обрўли, иқтидорли, ишбилармон, тадбиркор йигит-қизларни кўпроқ жалб қилиш, бу масалани бошланғич партия ташкилотларида чуқур таҳлил қилиб, тегишли чора-тадбирларни кўриш тўғрисида мулоҳазалар билдирилди.

ХДП туман кенгаши услубий ёрдам тариқасида бошланғич партия ташкилотларининг ишини такомиллаштириш, ҳужжатлар юритиш, ички фаолиятга доир намунавий тавсиялар берди.

А. БЎРОНБОЕВ,
Ўзбекистон ХДП Янгибозор туман кенгаши биринчи котиби.

Наманган шаҳри кун сайин чирой очиб бормоқда.

Суратда: янги турар жой даҳаларидан бирининг кўриниши ҳамда шаҳар бош меъмори ўринбосари Одилжон Қодиров ва муҳандис Ҳуснида Набиева.

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат.

Ислоҳот ва масъулият

ТАДБИРКОРЛИК — УСТИВОР ЙЎНАЛИШ

Кичик ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни жадал ривожлантиришни таъминлайдиган омиллардан бири.

Жаҳондаги ривожланган давлатларда кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик мамлакатдаги ишлаб чиқариш кучларининг катта қисмини ташкил этади.

Республикамизда ҳам нодавлат секторнинг иқтисодиётдаги улуши ошиб бормоқда. Мазкур сектор бугунги кунга келиб саноат маҳсулотининг 44 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 97 фоизини ишлаб чиқармоқда. Республикамиздаги барча капитал маблағнинг 44 фоиздан кўпроғи ана шу нодавлат секторнинг ҳиссасига тўғри келади. Бугун мамлакатимизда 32 минг кичик корхона, 18 минг деҳқон (фермер) хўжалиги мавжуд. 1995 йилнинг охирига келиб хусусий тадбиркорлик субъектлари 300 мингтани ташкил этди. Шу жумладан, улардан 220 мингдан ортиғи якка тартибдаги меҳнат фаолияти патентлари билан ишлашмоқда. Ўтган 1995 йилда тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилган бўлиб, 61 минг янги корхона тузилди. Буларнинг асосий салмоғини қишлоқ хўжалиги тадбиркорлиги ташкил этади. Тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича давлат томонидан маблағ билан таъминлаш, иқтисодиётнинг нормал мавжуд бўлиши учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани барпо этиш қисми бўйича бюджет маблағлари ҳисобидан, шунингдек, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнидан олинган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

«Бизнес фонд»га хусусийлаштиришдан олинган маблағнинг 50 фоизи берилади. Республика Давлат мулкини бошқариш қўмитаси тадбиркорларга 1995 йил давомида 370,3 миллион сўм кредит ажратган. Қўмита томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашиши учун ўтган йили «Бизнес фонд»га 730,3 миллион сўм миқдорида маблағ берилган. Республика «Бизнес фонди» ўз навбатида бу маблағни бизнес режалар асосида тадбиркорларга қўмаклашиши учун жойлардаги бўлимларига тарқатган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида юқоридан берилаётган маблағ жойларда қандай тақсимланяпти, кўпроқ нималарга эътибор бериляпти, маблағлар ҳар томонлама пухта тузилган бизнес режалари асосида ишлатиляптими-йўқми, каби саволлар туғилади. Ҳақиқатан ҳам тадбиркорларимиз ҳар томонлама пухта ишланган бизнес режалари асосида ўз маблағини сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳамда истеъмол бозорини тўлдиришга қаратсаларгина республикамизда бозор иқтисодиёти муносабатларини тезроқ ўрнатишга ўз ҳиссасини қўшган бўлишарди. Баъзи ҳолларда тадбиркорларимиз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ўрнига тезроқ фойда олиш мақсадида кредитга олган маблағини олди-сотди ишларига ишлатишмоқда. Кўп ҳолларда бозор муносабатларини тушунмаслиги, малакаси етишмаслиги туфайли айримлари ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлишмоқда. Кўпинча бундай ҳолларга тадбиркорлик тизимларининг ҳудудлар бўйича, аҳоли ва уларнинг эҳтиёжи, атроф-муҳит шароити (ҳом ашё, ер, сув, энергетика, транспорт ва ҳоказо) бўйича нотўғри тақсимланганлиги, жойлаштирилганлиги ҳамда тадбиркорлик фаолияти турларининг шароитга тўғри келмаётганлиги сабаб бўляпти.

Назаримизда, кичик ва хусусий тадбиркорликни бир текисда ривожлантириш учун ҳар бир ҳудудда социологик тадқиқотлар олиб бориш мақсадида мутахассисларни жалб этиш керак. Улар бу жараёнда эришилаётган ютуқ ва камчиликларни, ўз навбатида тўсиқларни, унинг сабабларини ўрганишлари, таҳлил қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Тадбиркорлик фаолиятига хизмат кўрсатиш мақсадида республикамизда банк ва пул-кредит тизими ҳам такомиллашиб бормоқда. Айни маҳалда янги тижорат ва хусусий банклар тармоғи вужудга келмоқда. Улар мулкчилик шаклларидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиши, давлатга қарашли бўлмаган янги корхоналар ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликларига молиявий ёрдам бериши керак. Аммо республикамизнинг ҳамма жойида ҳам банклар томонидан тадбиркорларга кўрсатилаётган хизмат кўнгилдагидек олиб бориляпти, деб бўлмайди. Айрим банкларда бўлаётган пул кўчириш операцияларининг вақтида ҳал этилмаслиги, керакли пайтда нақд пул олишнинг қийинлиги, пул-кредитлари олишдаги қоғозбозлик ва югур-югурнинг кўплиги соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Банк операцияларида бўлаётган қийинчиликларнинг олдини олиш мақсадида муомалага киритилган векселлар тўлови тадбиркорлик фаолиятида катта аҳамиятга эга бўлди. Республикада қимматбаҳо қоғозлар бозори инфраструктурасини яратиш мақсадида фонд биржаси ташкил этилди ҳамда Нукус, Бухоро, Қарши, Наманган, Термиз, Фарғона шаҳарларида унинг филиаллари очилди.

1995 йил октябрь ойида республика фонд биржаси Евро-Осиё фонд биржаси федерациясига аъзо бўлиб киргани эса ўз навбатида Ўзбекистон қимматли қоғозларининг федерацияга аъзо бўлган мамлакатларга чиқиш имкониятини яратди.

Республика Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси тадбиркорларимиз фаолиятини кенгайтириш ва ташқи иқтисодий алоқаларни яхшилаш мақсадида асосий эътиборни чет эл сармояларининг республикамизга кириб келиши учун кенг имконият яратишга қаратган. Ҳозирги кунда 15000 та корхона чет эл сармояси асосида ишлаяпти.

Бугунги кунга келиб Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси иштирокида 74 та қўшма корхона тузилди.

Ислоҳотлар кўлами кенг. Натижалар ҳам чакки эмас. Аммо олиниши зарур бўлган саболар, келажакда асқотадиган тажрибалар ҳам йўқ эмас. Тартиблар, тизимларда мукаммал равшанлик зарурлиги эса ана шу саболарнинг энг биринчисидир.

Анвар БЕГБЎТАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг бозор иқтисодиёти факультети тингловчиси.

Кўнгил нулки

ҲАЛОЛЛИК НИМА?

Чет мамлакатлардан бирида социолог олимлар ғалати синов ўтказишибди. Серқатнов кўча ўртасида пул тўла ҳамёнлар тез-тез «тушириб» қолдираверилган. Сўнг маълум бўлишича, аҳолининг тўқсон фоизи бу ҳолга эътибор қилмай ўтиб кетган. Қолган ўн фоизи эса у ёки бу сабаб билан ҳамённи тезда «эгасига» қилиб олишга уринган.

Мен бу ажабтовур ҳодисани оила даврасида гапириб берётганимда, уғлим: «Аяжон, бордию бизда ҳам шундай синов ўтказилса, сизнингча, нима бўларди?» деб сўради. Бир зум ўйланиб қолдим...

Ҳалоллик нима ўзи? Ҳалоллик...

ЭНАМНИНГ ҲИКОЯСИ. Қаҳатчилик йиллари эди. «Қоққан қозиқ, осгани хурмача йўқ» маҳаллар. Борига шукр қилардик, йўтига сабр. Бир куни супрадаги бор унни элаб, тушликка қотирма пиширдим. Олмачойни дамлаб қўйиб, пичан ўримига кетган бобонгни кутиб ўтирсам, илкис қаттиқ товушдан чўчиб кетдим.

— Онажон, буни қаранг!!!

Эрталабдан бери сомонхонани супураётган катта тоғанг (ушанда ўн ёшда эди) остонада ҳансираб турарди. Уст-боши чанг, қўлида ... бир дуппи тухум! Урнимдан иргиб туриб, қўлидагини олдим. Қаердан келибди шунча тухум. Вой ўлмасам, ҳали бу!.. Кечагина қўшни бизникига чиқиб: «Молхонам қулаб тушгандан бери товуқларим тухум қилмай қўйди. Ҳарна болаларим шу билан овуниб турувди» деб ёзгирганди-я, шўрлик. Дўппидаги тухумни тоғанга тутқаздим: «Бор Шафоат холанга обор. Товуқларингиз бизнинг сомонхонага тухум қилибди, дегин». Кичкина тоғанг ушанда ҳам ўжаргина эди. «Биттагинасини менга пишириб беринг» деб йиғлаб этагимга осилди. «Йўқ, — дедим— шу битта тухум ҳам ўша етим гўдаккиналарники, бировига овқат. Бор, ана қотирмадан синдириб е!»

Кейин яхши кунлар келди. Аллоҳга шукр, ҳар ким имонини йўқотмай етиб келди шу кунларга. Аслида одамларнинг кўнглида ҳеч шумлик йўқиди-да. Кўчадан биров танга топиб олса ҳам эгасини топиб қидирарди. «Ҳаром-юқмайди» деган ақида бор эди...

Энамнинг ҳикоясини тинглаб ўтириб, уйга толдим. Ҳалолликпокликми? Ҳалоллик-некликми?

Ҳалоллик-имонми? Ҳалоллик... шуларнинг бариси! У инсонни тўғрилик сари бошлагувчи маёқ. У юракларни тозартириб тургувчи муқаддас туйғу.

Тасаввуримга михланиб қолган бир воқеа. Қайноғам катта бир хўжаликнинг бошлиғи эди ўша йилларда. Бир куни фермада ишловчи тракторчи йигит бир тележка беда пичанини ҳовлига ағдариб кетди. Кечқурун қайноғам ишдан келиб, «буни ким олиб келди, келин?» деб сўради. Шошиб қолдим:

— Ҳалиги, узун бўйли...

— Муйловми?

— Ҳа.

Қайноғам уй томонга қараб «Акбар!» деб ўглини чақирди. Сўнг унга «Фермага бориб, Собир акангни топ. Ишдан кейин трактори билан келсин,» деб тайинлади.

Ўша куни... Қулидаги узун паншаха билан бедани тракторга ортаётган йигит пешонасидан оққан терни енги билан сидираркан, менга кўзи тушиб хижолатомуз жилмайди:

— Янга курмайсизми у кишини. Жуда ғалати эканлар-а. Э, билмайдиларки, бурининг еса ҳам, емаса ҳам барибир оғзи қон...

Юзимни терс ўгирдим...

Аждодларимиз азал-азалдан ҳалоллик йўлини тутишган. Қора меҳнати эвазига топган бир бурда нони-ю бир коса оби-ёвғонини ҳам зарур бўлганда бева-бечораларга илинганлар.

Ўйлайман. Баъзилар ноҳалол иш юритаётганини ўзи ҳам ичичидан сезиб туради. Руҳан қийналади. Ёруғ кунларга қайтмоқ бўлади. Лекин нафс деганлари... Аввало, биз нафсимизни ҳалолликка ўргатсак тўғрироқ бўлмасмикин? Ахир, дунёда нафс ҳалоллиги, жисм ҳалоллиги, руҳ ҳалоллиги деган муқаддас тушунчалар бор.

Саид Аҳамаднинг «Суд» саргузашт қиссасини бир эсланг. Узбекнинг асл қиёфаси очиб берилган унда. Шу қиссани уқиётганимда тасодифан «ўгирлик» қилиб қўйиб, сўнг пул тўла портфелини нима қилишни билмай виждони азобда қолган талаба йигитга қўшилиб мен ҳам азобланганман. Ўша йигит почтага кириб, пулни эгасига қайтараётганида ғуе менинг ҳам елкамдан «юк» ағдарилган. Ўз-ўзимга «хайрият» деганман. Қиссадаги мана бу сўзлар бир неча кун ҳаёлимдан кетмаган: **«Энг даҳшатли, энг адолатли суд — виждон суди. Бу суднинг ҳукми то умрнинг охиригача авф этмайди. Жазолайверади, жазолайверади...»**

Кўнглимдан шу кечинмаларни ўтказа туриб, ўглимга дедим:

— Ҳалолликка йўл аслида юракдан бошланади. Сен одамларнинг қалбига қулоқ тут. Ҳалолликнинг овозини эшитасан. Ҳалоллик кўзлардаги масофани ҳам босиб ўтади. Сен уларнинг кўзларига бир қара. Ҳалолликнинг сийратини кўрасан. Ана шундай одамлар яшаётган юртда ҳалоллик синовини ўтказмоқ шартмикин?

Бизда бунга зарурат йўқ, болам...

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

ХАЛҚАРО ХАЁТ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ШУМЕЙКОНИНГ АЙТГАНЛАРИ

· МОСКВА. Россия Федерациясидаги «Ислоҳотлар — янги омил» сиёсий ҳаракати раҳбари Владимир Шумейко «Российская газета» газетаси мухбири билан суҳбатда, Борис Ельцинни мамлакат учун лойиқ бўлган ягона Президент, деб айтди.

У Борис Ельцинга Президент сайловида рақобат қила оладиган фақатгина уч номзод борлигини таъкидлади. Булар — Г. Зюганов, Г. Явлинский, В. Жириновскийлардир. «Лекин, мен буларнинг учаласини ҳам яхши биламан. Айни пайтда Россия олдида турган муаммоларни уларнинг ҳеч қайси бири ҳал этишга қодир эмас», — деди В. Шумейко.

МАНФААТДОРЛИК АСОСИДА

· ПЕКИН. Хитой Халқ Республикаси раиси Цзян Цзэминь мамлакатга ташриф буюрган Қозоғистон ташқи ишлар вазири Қосимжўмард Тоқаев билан учрашувда ХХР Қозоғистон ва бошқа Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро дўстона алоқаларни янада ривожлантириш тарафдори эканини айтди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ижтимоий ва иқтисодий алоқалар, халқаро вазият муҳокама этилди. Томонлар Марказий Осиё ва Осиё-Тинч океани ҳудудида тинчликни сақлаш борасида куч-ғайратларни бирлаштиришдан манфаатдор эканини таъкидладилар.

ҚАРЗЛАР КЎПАЙДИ

· МОСКВА. Россия ҳукуматининг мамлакат ишчи ва хизматчиларидан қарзи 20 триллион рублга етди. «Бу мамлакат миқёсида катта ижтимоий, ҳатто, сиёсий муаммога айланди», деб ёзади «Труд» газетаси.

1995 йилда Россия Федерациясида маошларнинг ўз вақтида тўланишини назорат қилиш мақсадида 10 мингга яқин текширув ишлари ўтказилган. Маълум бўлишича, 90 фоиз корхона ва муассасаларда маблағ етарли бўлишига қарамай, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи вақтида тўланмаган. Корхона раҳбарлари ва бошқа мутасадди кишилар маблағни ғаразли мақсадлар йўлида ишлатган. Айрим корхоналар пуллари эса тижорат банкларига «айлантирилган».

СОБИҚ ВАЗИРГА 20 ЙИЛ БЕРИЛДИ

· ПНОМЬПЕН. Камбоджа пойтахти прокуратураси Францияда муҳожирликда яшаётган мамлакат собиқ ташқи ишлар вазири Нородом Сиривут устидан жиноий иш қўзғади. Лекин собиқ вазир суд олдида жавоб беришдан бош тортди.

Прокуратура Нородом Сиривутни мамлакат раҳбарларидан бири ҳаётига суиқасд қилишда айбламоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, Камбоджа олий суди яқин кунларда ўз ҳукмини чиқаради. Унга кўра Н. Сиривут 20 йил озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

ҚАРШИЛИКЛАРГА ҚАРАМАЙ БАРИБИР САЙЛОВ ЎТАДИГАН БЎЛДИ

· ДАККА. Бангладешда икки кунлик умуммиллий иш ташлаш бўлиб ўтди. Мазкур норозилик тадбирини Холид Зиё Раҳмон раҳбарлигидаги ҳукуматга муҳолифатда бўлган йирик сиёсий партиялар уюштирди. Уларнинг мақсади мамлакатда умуммиллий сайлов ўтказилишига тўсқинлик қилишдир.

Мухолифат вакиллари ҳукуматнинг сайловдан сўнг мамлакатдаги тангликни бартараф этиш борасида музокаралар олиб бориш ҳақидаги таклифини ҳам рад этди. «Бундай музокаралар фақат сайлов тўхтатилиб, Бош вазир истеъфо берган тақдирдагина ўтказилиши мумкин. Акс ҳолда мамлакатдаги вазият бундан ҳам кескинлашиши ҳеч гап эмас», — деди «Халқ лигаси» партияси раҳбари Ҳасина Вазед хоним.

Бангладеш ҳукумати мавжуд қарама-қаршиликларга қарамай мамлакатда сайлов ўтказилиши ҳақида баёнот берди. Мамлакат миллий армияси, ҳуқуқ ҳамда тартибни сақлаш органлари сайлов куни сайловчиларни ва сайлов округларидаги хавфсизликни таъминлайди.



Женеванинг кўркам кўчаларидан бирида.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Қисқа сатрларда

· БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши БМТнинг Македония Республикасидаги кучлари сонини кўпайтиришга қарор қилди. Бу кучларга бевосита Нью-Йоркка бўйсунадиган мустақил тузилма мақоми берилди.

***

· ДУШАНБЕ. Халқаро валюта фондининг жаноб Келлер раҳбарлигидаги миссияси бир неча кун мобайнида Тожикистон Республикасида бўлди. Миссия республика вазирликлари, идоралари ва миллий банкида бўлиб, Тожикистон ҳукумати ва халқаро валюта фонди ўртасида тузилган битимнинг бажарилиши билан танишди.

Битимга мувофиқ халқаро валюта фонди жорий йилнинг апрель ойида Тожикистонга 22 миллион доллар имтиёзли қарз беради.

***

· НЬЮ-ЙОРК. АҚШ яқин келажакда Хитой билан Тайван ўртасида ҳарбий зиддият юзага келади, деган фикрдан йироқ, лекин Хитойнинг Тайван яқинида ҳарбий машқлар ўтказиши бизни жиддий ташвишга солмоқда, деди Пентагон раҳбари Уильям Перри. Айни пайтда Оқ уй маъмурияти Хитойнинг бу ҳаракатини «тазйиқ» сифатида баҳоламайди, деди у.

У.Перринг таъкидлашича, ҳарбий машқлар Тайванда ўтказилажак сайловга таъсир кўрсатиши мумкин.

***

· ПЕКИН. Хитойда Пекин шаҳри касаба уюшмалари бирлашмаси раиси ўринбосари Ши Шэной пораҳўрликда айбланиб, қамоққа олинди. Ундан катта миқдордаги пул мусодара қилинди. Ши Шэной суд ҳукми билан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

***

· ТОКИО. Иммиграция ва наркотик моддаларни назорат қилиш ҳақидаги мамлакат қонунларини бузганликда айбланиб ҳибсга олинган 7 нафар Эрон фуқароси Токио турмасидан қочиб кетишга муваффақ бўлди. Япония полицияси айни пайтда қочоқларни изламоқда.

Эронлик қочоқлар турмадан чиқиш учун мураккаб тўсиқлардан, жумладан, 5 метр баландликдаги иккита девордан ошиб ўтганлар. Шуниси диққатга сазоворки, 1955 йилдан буён Токио турмасидан бирор маҳбус қочишга муваффақ бўлмаган эди.

***

· ДЕҲЛИДА «Табиий заҳираларни тадқиқ қилишда янги йўналишлар ва геофизика муаммолари» мавзусида анжуман ўтказилди. Унда Ҳиндистоннинг турли штатларидан келган илмий жамиятлар ва тадқиқот институтларининг 500 га яқин вакиллари қатнашди. Анжуман иштирокчилари тадқиқотлар самарасини янада ошириш учун ғарб мутахассислари билан ҳамкорликни ривожлантириш лозимлигини таъкидлашди.

***

· ХАНОЙ. Кейинги пайтда Вьетнамда жиноятчиликка қарши аёвсиз кураш олиб борилмоқда. Ўтган йили бу мамлакатда 104 нафар жиноятчи ўлим жазосига ҳукм қилинди. Шуларнинг 95 нафари қотиллик, 8 нафари гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланган, биттаси эса номусга тажовуз қилгани учун ана шундай олий жазога лойиқ деб топилган.

ФАЛАКНИНГ + - = ! ? ... ҒАРДИШИ

БЕҲУДАГА ОВУНМАНГ, АЁЛЛАР

· Тамакининг инсон организмига салбий таъсири ҳақида кўп ва хўп ёзилган. Лекин бу заҳар-заққум ҳақида қанча ёзилса ҳам озга ўхшайди.

АҚШдаги рак касаллигига қарши кураш жамияти аъзоси Майкл Таннинг олиб борган тадқиқоти натижасида маълум бўлди-ки, мамлакатдаги кашанда аёллар ичида рак касаллигидан вафот этиш ҳолати кейинги вақтда олти марта ошибди.

60-йилларда ҳар 100 минг кашанда аёллар ичида 25 киши рак касаллигига чалиниб ҳаётдан кўз юмган бўлса, ҳозирга келиб бу рақам 155 нафарга етган.

М. Таннинг айтишича, таркибида кам миқдорда никотин бўлган сигарет чекувчи аёллар «бу гаплар бизга тегишли эмас экан», дея ўзларини овунтирмасин. Гап шундаки, мазкур тадқиқот айнан ана шу хил тамаки чекувчи аёллар устида олиб борилган.

БИРНИКИ МИНГГА, МИНГНИКИ ТУМАНГА

· АҚШнинг Тринити коллежи профессори Жон Муллэй спиртли ичимлик истеъмол қилиш оқибатларини ўрганиб, «Ичкиликбозлик ҳам ўзингга зарар, ҳам мамлакатга», деган хулоса чиқарди.

Спиртли ичимлик истеъмол қилишга қизиқувчан ёшлар умумий ўқув мезонларига қараганда 2,3 йил кам ўқир экан. Оқибатда эса уларнинг олаётган маоши ҳам ичмовчиларга қараганда анча оз. Ароқхўрлар иш топишда ичмайдиганларга қараганда 10-15 фоиз кам имкониятга эга бўлиши маълум бўлди. Ашаддий ичувчилар учун эса ишга жойлашиш жуда қийин кечади. Ичувчилар ва ичмайдиганлар ўртасидаги моддий фарқ ҳам каттагина, яъни ичадиганлар 26 фоиз даромадидан маҳрум бўлади.

Хўш, давлат қандай зарар кўради деган саволга жавоб излайдиган бўлсак, Ж. Муллэйнинг таъкидлашича, ичкиликбозлик туфайли ишлаб чиқаришдан кўрилган зарар ва тиббий харажатлар камида 100 миллиард долларни ташкил этар экан.

СИРЛИ КУЧ ҲАМ ЭҲТИМОЛДАН ХОЛИ ЭМАС

· Индонезиянинг Марказий Явадаги қишлоқларидан бирида 11 нафар киши қудуқ сувидан ичиб ҳалок бўлди. Мутахассислар сувни синчиклаб ўрганиб, унинг ўта ифлосланганини аниқлашди. Кейинги пайтда атроф-муҳитнинг ифлосланиши туфайли кўплаб одамлар қурбон бўлмоқда. Қишлоқ аҳолиси эса ушбу машъум воқеанинг сабабини сув ниҳоятда ифлосланиб кетганидан эмас, балки қандайдир сирли кучлар таъсири, дея изоҳламоқда.

ҚАШШОҚЛИК ҲАМ ФОЖИА

· Россияда 1995 йилда қашшоқликда кун кечираётган кишилар сони 20 миллион нафарга камайди. Бироқ, Россия Федерацияси Меҳнат вазирлигининг аҳоли ҳаёт, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя даражаси соҳасида мамлакатдаги аҳвол ҳақидаги йиллик маърузасида камбағаллар сони ислоҳотлар ўтказила бошлаган аввалги йиллардагидан анча ортиб, жами 50 миллион нафарга етганлиги қайд этилган. Мамлакатда аҳоли даромадлари даражаси бўйича минтақаларо тафовут ортиб бораётгани муаммоси ҳануз ҳал этилгани йўқ. Аҳоли жон бошига олинадиган даромаднинг энг юқори ва энг паст кўрсаткичлари орасидаги тафовут 1994 йилда 10,6 мартани ташкил этган бўлса, ўтган йилда бу рақам 13,9 баробар бўлди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталардан олинди).

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган танловга

Боқий шажара

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР

ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯ

(Ўн тўққизинчи мақола)

Амир Темур дунё миқёсида от ўйнатган сиёсатчи ва дипломат. Демак, биз аввало ана шу «Ўйин майдони»даги аҳволни, паст баландликларни, қонун-қоидаларни билиб олишимиз керак. Шундагина Амир Темурнинг ҳар бир муайян вазият ё масалада тутган сиёсати ва ёндашувининг сабабларини кўра оламиз. Бу ўз ўрнида Амир Темур ташқи сиёсати ва дипломатиясидаги фикрни уқиш учун йўл очиб беради.

XIV аср умуман дунёда ва хусусан, Марказий Осиёда (Амир Темургача) бошбошдоқлик, сиёсий тарқоқлик ва қарама-қаршиликлар авжига чиққан юз йиллик бўлган. Чунончи, минтақамизда ҳар бир вилоят ўзбошича бўлгани ва соҳибқирон тахтга ўтиргач, мамлакатни бирлаштиргани ва бунинг натижасида қўлга киритилган турли соҳалардаги ютуқлар ҳақида биз тўхталиб ўтдик. Атрофда эса хусусан Ўрта ва Яқин Шарқда Куртлар (марказий Ҳирот), Сарбадорлар (Сабзавор, Астробод, Нишопур, Машҳад, Музаффарийлар (Форс, Кермон, Курдистон), Жалойирийлар (Ироқ, Озарбойжон, Арманистон, Ғарбий Эрон), (кечроқ XIV аср охирларида) Қароқўйинлийлар (Озарбойжон, Арманистон), Отабеклар (Кичик ва Катта Луристон), Мамлуклар (Миср ва Сурия) ҳамда бир қатор вилоят миқёсидаги маҳаллий сулолалар ўзаро ҳам ички, ҳам ташқи зиддиятда эдилар. Кичик Осиёда ҳам Сорунолийлар, Ойдинийлар, Мунташойлар, Такоэлийлар, Кармиёнийлар, Қарамонийлар, Усмонлийлар каби бир қатор катта-кичик сулолалар фаолият кўратиб, улар орасида Усмонлийларнинг ошиғлари олчи бўлиб келаётган бўлса-да, ўзаро зиддиятлар барҳам топмаганди.

Европага келсак, аҳвол бундан ҳам аянчлироқ эди. Европа халқлари бу вақтда марказлашган давлатчилик йўлига эндигина кириб келаётган, шаҳар маданияти пайдо бўлганига ҳали кўп ҳам бўлмаганди. (Эслатиб ўтамиз: Европада шаҳар маданияти узоғи билан IX асрда, асосан X-XI асрлардан тараққий эта бошлаган). Мазкур икки омил орқалиёқ қитъадаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожи қай даражада бўлганлигини билиб олишимиз мумкин. Масалан, Италияда Флорентсия, Сиена, Пиза, Милан, Генуя, Венетсия, Савойя ва яна бир қатор давлатчалар мавжуд эди. Марказий Италиянинг аксар қисмида эса католик черковининг маркази Рим папаси ҳукмрон эди. Бир сўз билан айтганда, Италия сиёсий тарқоқлик ва ички зиддият аҳволида ҳаёт кечирарди. Франтсиянинг аҳволи бироз дурустроқ кўринса-да, у ҳам марказлашган ҳокимият остида бирлаша олмаётганди. Айниқса, 1337 йили Англия билан бошланган ва умум ҳисобда юз йилдан ортиқ давом этган уруш ички вазиятни янада кескинлаштириб юборганди. Карл VI замонига (1380-1422) келиб эса маҳаллий сулолалар қиролга деярли бўйин эгмай қўйгандилар. Германиядаги сиёсий вазиятни 1356 йили Карл IV (1347-1378) чиқарган фармон орқали яққол кўриш мумкин. Унга кўра ҳар бир маҳаллий қироллик учун қонуний тарзда мустақиллик тўғдириб берилган. Сиёсий тарқоқлик Испанияда ҳам ҳукм сурарди. XIV аср давомида Леон-Кастилия ва Арагон-Католон қиролликлари ўртасидаги рақобат тўхтамаган..Қачонлардир қудратга эга бўлган Византия (Рум) ҳам ички ва ташқи зиддиятлар сабаб ниҳоятда заифлашиб қолган, Усмонлийлар тазйиқига зўр-базўр бардош бериб инқироз арафасида турарди.

Европа мамлакатлариаро ўзаро қарама-қаршиликлар ҳам ички зиддиятлардан қолишмас, боз устига уларни янада кескинлаштириб борарди. Юқорида Франция ва Англия ўртасидаги давомли урушлар ҳақида айтдик. Англия Испания билан ҳам зиддиятда эди. Бу ҳам етмагандай Испания Португалия билан ҳам қарама-қаршиликка бориб-келиб турарди. Шимолий Италия Венгрия ҳужумларига бардош беришига тўғри келарди. Аслида ўзиникилар томонида бўлиши керак туюлган Рим папалиги Венгрияни жанубий славянлар Сербия, Босния, Хорватияга қарши курашида қўллаб қувватларди. Жанубий славянлар, кези келганда Византиядан ҳам дод дердилар. Ўз ўрнида Босния Сербия тазйиқида ҳам қолганди. Хорватия Венгрияга қарамликка ўтган, Болгария эса XIV аср иккинчи ярмида учга бўлиниб кетганди.

Энди эса XIV асрда дунёдаги умумий ва баъзи жиҳатлардан хусусий аҳволдан бохабар бўлган ҳолда тўғридан-тўғри мазкур халқаро майдонда Амир Темур юритган ташқи сиёсат ва дипломатиянинг амалий томонларига тўхталиб ўтамиз.

Амир Темурнинг Марказий Осиё ва Ўрта Шарққа нисбатан тутган сиёсатини шарҳлашда қуйидагиларни назарда тутмоқ лозим. Турон (Туркистон), Эрон, ҳозирги Афғонистон, Покистон, Шимолий Ҳиндистонни ўз ичига олувчи улкан ҳудуд асрлар давомида сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий муштараклик, яхлитлик, яқинлик шароитида яшаб келганини биз аввалги мақолаларимиз орқали кўрдик. Узоққа бормай, Чингизхон босқинидан олдинги Хоразмшоҳлар (Ануштегинийлар) ҳукмронлиги даврини олайлик. Ўшанда ҳақиқатан ҳам мазкур ҳудуднинг аксари (тарихий Шимолий Ҳиндистондан ташқари) Хоразмшоҳлар қўл остида бирлашганди. Бунга Ўрта асрларда Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ҳам интилганликларини биламиз. Тилга олинган ҳудудда ўз вақтида Кушонлар, Эфталитлар ҳам от ўйнатганлари, худди шундай мақсадга эронлик Сосонийлар сулоласи ҳам интилгани маълум. Бошқача айганда, Ўрта асрлар воқелиги учун бу улкан яхлитлик, муштараклик касб этган ва манбаларда уни асосан Турон ва Эрон заминлари деб атайдилар. Чингизийлар даврида эса Турон ва Эрон учга бўлиб идора этилган: Олтин Ўрда, Чиғатой ва Халокуйийлар улуслари. Бунда маркази ҳозирги Муғулистонда бўлган, Чингизхон асос солган салтанатнинг манфаати кўзда тутилгани аниқ ва табиийдир. Худди шунинг учун ҳам Туроннинг Мовароуннаҳр қисмининг ажралмас бўлаги бўлиб келган Хоразм иккига бўлиниб, шимоли Олтин Ўрдага, жануби эса Чиғатой улусига ажратилади. Шу сабабдан ҳам 1370 йили ҳокимият тепасига келган Амир Темур ўтган 150 йиллик Чингизийлар ҳукмронлиги давомида тилга олинган улкан ҳудудда юз берган ўзгаришлар ва ҳосил бўлган воқеликлар билан ҳисоблашиб иш тутишига тўғри келганди. Хўш, бу воқелик қандай эди. Марказий Осиё (Турон) минтақаси геополитикаси қандай аҳволда эди?

Амир Темур Туркистонни бирламчи бирлаштиргандан сўнг дастлабки қилган иши шу бўлдики, собиқ Чиғатой улусига даъвогарлик ўчоғи ҳисобланмиш тарихий Муғулистонда (Еттисув ва Кошғар) сиёсий кучлар пайини қирқишга жазм этди. Зеро, бу вақтда Мовароуннаҳрга хавф солиб турган реал хавф худди шу ерда мужассамлашганди. Буни аниқ, тасаввур қилиш учун XIV асрнинг 60-йиллари биринчи ярмида юз берган Туғлуқ-Темурхон ва Илёсхожаларнинг Мовароуннаҳрга юришларини эслайлик. Шуларни назарда тутган ҳолда Амир Темур 70-йиллар давомида тарихий Муғулистон томон бир неча марта ҳарбий юриш уюштириб, у ерлик ҳарбий-сиёсий кучларни заифлаштириш, ташаббусни ўз қўлига олишга ҳаракат қилди. Тарихий муғулистонликлар ҳам тинч ўтирмаганлар. Чунончи 1376 йили Амир Қамариддин бошлиқ муғул қўшинлари Фарғонага таҳдид солганларини биламиз. Аммо Амир Темурнинг етиб келаётганини эшитиши билан жуфтакни ростлаб қолган. Хуллас, 70-йиллар иккинчи ярмига келиб Амир Темур биринчи хавф ўчоғи бўлмиш тархий Муғулистонни асосан жиловлашга муваффақ бўлганди. (Лекин узил-кесил эмас. Бунинг учун соҳибқирон у томонга яна бир неча юришлар ўтказган, масалан, 1383, 1389, 1390 йиллари).

Мовароуннаҳрга хавф туғдирадиган иккинчи куч шимолдан эди. Яъни Олтин Ўрда. Жўчи улуси номи-ла машҳур бу улкан салтанатнинг Сирдарёнинг сўл соҳилига кўз олайтириши дастлабки чингизийлар замонларидаёқ намоён бўлганди. Масалан, XIII аср ўрталарида бир неча йил давомида Чиғатой улуси Олтин Ўрдага қарам ҳолга тушгани маълум. Иккинчи томондан эса энг жанубий ҳисобланмиш Ҳалокуйилар улусида ҳам Мовароуннаҳр «ишқи» бор эди. 1272 йилги ҳалокуйийларнинг Бухорога юришларини эслайлик. Шу маънода Чингизийлар улуслари орасида геополитик нуқтаи назардан Чиғатой улуси энг заиф аҳволда қолганди, яъни, ўртада эди. Унга нисбатан ҳар уч томондан ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатлардан тазйиқ ўтказиш имкони сақланарди. Амир Темур Чиғатой улусига барҳам бергани билан тилга олинган геополитик, вазият деярли ўзгармаганди. Яъни шимол ва шарқдан келувчи хавф кучда қолганди. Бундай вазиятдан Амир Темур яхши хабардор бўлгани ва тегишли ҳисоб-китобни қилгани аниқ. Чунки унинг хатти-ҳаракатлари бундан далолат бериб турибди. Янада равшанроқ, айтганда, тарихий Муғулистондан сўнг Амир Темур Олтин Ўрда «масала»си билан шуғулланишга киришади. Бу орада эса, «ол қулим» дегандек, Олтин Ўрдани жонлантириш мақсадини қўйган ва бунга эришса катта қудрат эгаси бўлиши муқаррар Урисхондан (1361-1380) дод деб Тўхтамиш соҳибқирон даргоҳига бош уриб келади. Манбаларда ёзилишича, унинг отаси, Манқишлоқ ҳокими Туйҳожа ўз акаси Урисхон томонидан қатл қилинган. Амир Темур учун бу ҳол «сопини ўзидан чиқариш» имконини туғдирганди. Олтин Ўрданинг қучайиб бориши бир қунмас бир кун Мовароуннаҳрга хавф туғдиришини билган соҳибқирон у ерда ўз кишисига эга бўлиш нечоғли муҳимлигини ҳисобга олиб Тўхтамишга ёрдам беришга қарор қилади. Ҳарбий ва моддий жиҳатдан ёрдам олишига қарамай Тўхтамиш ҳеч бир ишнинг уддасидан чиқолмайди. Шунда Амир Темур Урисхонга қарши шахсан ўзи отланади. 1376-1377 йиллар қишида юз берган бу воқеа шуни тасдиқлайдики, Амир Темурнинг Олтин Ўрдага нисбатан стратегияси Тўхтамиш омили билан боғлиқ эмас. У ҳатто Тўхтамиш бўлмаганда ҳам бу йўналишдан воз кечмасди. Чунончи, шу вақтда Бухорода бўлиб турган соҳибқирон олдига Урисхондан нолиб яна бир киши — Идиқу келади (рус солномаларида Едигей деб аталган ва у XV аср бошларида рус князликларини ўзига қарам ҳолда тутгани билан машҳур). У келтирган маълумотга кўра Урисхон Амир Темурга қарши урушга тайёргарлик олиб борган. Шу орада Урисхоннинг икки элчиси (Кепак мангит ва Тулужон) келиб, агар Амир Темур Тўхтамишни унга қайтармаса уруш бошланиши ҳақида расман хабар берадилар. Кўриниб турганидек, Амир Темурнинг Олтин Ўрдадан хавфсирашида маъно бўлган. Тўхтамишни қайтариш илинжи Урисхон учун бир баҳона эди. Шу сабабдан ҳам соҳибқирон икки маротаба (1376 ва 1377 йиллари) Урисхонга қарши юради, унга сезиларли зарбалар бериб ўзининг қатъийлигини намойиш этади. 1377 йил охирида эса Тўхтамишни Олтин Ўрданинг таркибий қисми бўлмиш Оқ Ўрда тахтига ўтқазишга эришади. Бу билан соҳибқирон Шимолдан туғиладиган хавфни бартараф этгандай эди. Вақти келиб Тўхтамиш нонкўрлик қилиб, ўзига қарши чиқишини у хаёлига келтирибди дейсизми?! Аммо нима бўлганда ҳам ҳукмронлигининг дастлабки ўн йили давомида мамлакатни шарқий ва шимолий йўналишлардан келадиган хавфдан асосан иҳота қилишга Амир Темур муяссар бўлганди. Олдинда эса Жануб ва Ғарбга томон сиёсат турарди.

Айтилганидек, Ҳирот Куртлар (Картлар) номи-ла машҳур туркий сулоланинг маркази эди. Ҳалокуйилар инқирозигача (1338) Чингизийларга қарам бўлиб келган мазкур сулола кейинчалик мустақил сиёсат юргизиш йўлига ўтган. Уларнинг тақдири Амир Темургача ҳам бир хил кечмагани маълум. Масалан, XIV аср 30-йилларда атиги икки йилгина сулолани бошқарган Малик Ҳофиз ғурийлар томонидан ўлдирилган. Ё бўлмаса куртларнинг қўшни вилоятларга муносабатларини олайлик. Ўз фаолиятини Ҳиротда бошлаган куртлар Ғарчистон, Сейистон, Қандаҳор каби вилоятларни ўз тасарруфларига олганларини ҳам биламиз. Уларнинг сарбадорлар билан ҳам муносабатлари зиддиятли ўтган. Чунончи куртлардан бўлмиш Ғиёсиддин Пир Али сарбадорлар ҳудудига ҳамла қилиб, Нишопур атрофидаги боғдойзорни пайҳон, боғ-роғларни ер билан яксон қилгани, юз йиллик дарахтларни илдизи билан қўпортириб, кориз-қудуқларни тупроқ билан тўлдиртиргани ҳақидаги маълумотлар манбаларда ўз аксини топган. Мазкур маълумотларни келтириб ўтишдан мақсад нима?

«Совет» ва шу йўналишдаги (албатта, Амир Темурга нисбатан) хорижий муаллифлар асарларида Амир Темурнинг бошқа сулолалар билан муносабатлари шундай чизиладики, уларга кўра соҳибқирон «золим ва босқинчи», бошқалар эса, яъни, сиёсий курашда ютқазганлар — авлиё ва оппоқ. Аслида эса бағри кенглик, урушдан кўра келишувни афзал кўриш, ўз сўзида туриш борасида ўша даврда ва умуман тарихда Амир Темурга тенг келадигани йўқ. Буни биз мазкур куртлар билан муносабатлар орқали ҳам кўришимиз мумкин. 778/1376—1377 йили, яъни Амир Темур тарихий Муғулистон ва Олтин Ўрда билан банд бўлган кезлари соҳибқирон ва куртлар сардори Ғиёсиддин Пир Али элчилар алмашадилар. Соҳибқироннинг «Орамиздаги дўстлик қадимийдир. Мақсадимиз дўстликни мустаҳкамлаб, қон-қариндош бўлишдир. Ўртадаги бегоналик ягоналикка айлансин» мазмунидаги хатига жавобан Ғиёсиддин «Мен Сизнинг қулингизман. Агар ул ҳазрат фарзандим Пирмуҳаммадни хизматкорлари қаторига қабул этишга илтифот айласалар, биз учун ифтихор бўлур эди» деб ёзиб юборади. Шунга кўра соҳибқирон ўзининг энг яқин кишиси — синглиси Ширинбека Оғо қизи Суйунч Қутлуқ Оғони Ғиёсиддиннинг тилга олинган ўғлига никоҳлаб беришга қарор қилади. Бу ерда соҳибқирон мақсади аниқ: дипломатия ва қариндошлик йўли билан Хуросонда ўзига яраша мавқега эга сиёсий кучни ўз томонига оғдириш. Куртларнинг қудрати чакана бўлмаганини ва қўшни сулолалар ишига аралашиш ҳам қўлларидан келишини юқорида келтирилган Нишопур воқеаси орқали ҳам кўргандик. Бу борада далил ўрнида Ибн Батута гувоҳлигидаги яна бир маълумотни беришимиз мумкин. Чунончи Ғиёсиддин Пир Алининг отаси Муъизиддин Ҳусайн (1331-1370) ҳукмронлиги даврида куртлар Мовароуннаҳр ички ишларига аралашиб Чиғатоий хонлардан Бузанга (1334-1338) қарши курашган Халилни ҳарбий куч ва маблағ билан таъминлаганлари маълум. Ибн Батута далолат беришича, Халил куртлар берган ёрдам билан Бузанни тахтдан ағдариб ҳокимиятни қўлга олишга эришган. Демак, назарий жиҳатдан олганда ҳам куртлар тегишли шароит туғилса Мовароуннаҳрга яна таҳдид солишлари мумкин эди. Шу маънода Амир Темурнинг улар билан дипломатик йўл билан алоқани яхшилашга интилишини табиий деб билмоқ керак. Ғиёсиддиннинг ваъдасига ишонган Амир Темур жиянини катта дабдаба билан Ҳиротга жўнатади. Бу ерда ҳам катта тўй бўлади. Аммо энг муҳим паллада келишувларга қарамай Ғиёсиддин Пир Али иттифоқчилик аҳдини бузади. 782/1381—1382 йили Балх ва Андҳуд оралиғида чақирилган ҳарбий қурултойга келмай бир неча шартлар қўяди. Шартлари бажарилгандан сўнг ҳам у қурултойга келмайди. Шунда Амир Темур куч билан Ҳиротни эгаллайди. Аммо Ғиёсиддин Пир Алини ўз ўрнида қолдиришга қарамай, у яна мухолифат йўлига киради. Амир Темур уни Самарқандга жўнатишга мажбур бўлади ва у ерда қатл қилинади.

Ғиёсиддиндан фарқли ўлароқ сарбадорлар ҳукмдори Али Муаййад бош эгиб келиб Амир Темур хизматига киради. Соҳибқирон уни эъзозлаб ўз ўрнида қолдиради. Лекин Журжон, Мозандорон ҳокими амир Вали, Тус, Калот, Обивард, Нисо, Марв воҳаси ҳокими Валибеклар бир неча марта Амир Темурга тобеликларини билдириб, шунча марта аҳдни бузадилар. Ҳатто унга қарши суиқасд ҳам уюштириш йўлига кирадилар. Шундан сўнг Амир Темур уларнинг тақдирини ҳам узил-кесил ҳал қилади.

Шундай қилиб, XIV аср 80-йилларининг ўрталарида Амир Темур Хуросон, Сейистон, Қандаҳор, Шимолий Эрон вилоятларини ўз ҳукми остида бирлаштиришга муваффақ бўлганди. Унинг бу зафарли юришларидан узоқ-яқиндаги сулолалар, сиёсий кучлар хабардор эдилар, албатта. Гарчи улар кўп ҳолларда ўзаро зиддиятда бўлишларига қарамай Амир Темур шаҳдам фаолияти олдида дипломатик борди-келдиларни кучайтириб музокаралар олиб борардилар. Бир вақтнинг ўзида ҳар қандай тадбирни тинчлик, дипломатия йўли билан битириш тарафдори бўлган соҳибқирон ҳам улар билан элчилик алоқаларини йўлга қўйиб, улар кўнглини олиш, хотираларини жам килишни канда қилмаган. Шу маънода музаффарийлардан Шоҳ Шужо (1359—1384) билан дипломатик музокаралар жараёни диққатга сазовор. 784/1382—1383 йили Шоҳ Шужо ўз элчиси амир Умаршоҳ орқали соҳибқиронга йўллаган мактубида Амир Темурга нисбатан эътиқоди борлигини билдиради. Соҳибқирон, одатдагидек, икки томонлама алоқани қариндошлик воситаси билан мустаҳкамлаш ниятида ўз фарзандларидан бирига Шоҳ Шужо қизларидан бирини сўрайди. Аммо бироз ўтиб соҳибқирон тилга олинган Сейистонга юриш қилган кези бу вилоятга яқин Кермон вилояти ҳокими амир Ихтиёриддин Ҳасан ўз ҳукмдори Шоҳ Шужога хат йўллаб, унда Амир Темур Сейистондан сўнг Кермонга ҳам ўтса керак, деб ўз хавотирини билдиради. Албатта, амир Ихтиёриддин Шоҳ Шужо ва соҳибқирон ўртасида олиб борилган музокаралардан бехабар бўлган. Шунинг учун ҳам хавотирга тушган. Лекин Шоҳ Шужонинг унга жавоб хатида диққатни тортувчи бир фикр борки, у орқали биз музаффарийлар сардорининг асл мақсадини билиб олишимиз мумкин. Чунончи у Амир Темурни улуғлаб «ул зот ўз лашкарларини дўстлар ва муҳлислар мулкига тажовуз қилишига йўл қўймайдилар» дейиш билан бирга агар Амир Темур лашкар тортса «бизнинг шижоатли қўшинимиз урушишга тайёр», деб асосий мақсадини ойдинлаштиради. Демак, Шоҳ Шужо бир томондан Амир Темур билан элчилар орқали музокаралар олиб бориб, унга тарафдорингизман дея сўз бериб, иккинчи томондан вақтдан ютиб ҳарбий тайёргарликни ҳам кураверган. Шоҳ Шужонинг ўз манфаатини кўзлаб юритган бундай иккиюзламачилик сиёсатини табиий деб билган ҳолда Амир Темурга нисбатан у олиб борган муносабат самимий бўлмаганини кўрсатувчи яна бир муҳим маълумотни келтириб ўтмоқчимиз. Шоҳ Шужонинг тарафдорлигига ишонган Амир Темур ўз набираси Пир Муҳаммадга (1376—1407) унинг набирасини унаштириб қўйиш тараддудида бўлган бир пайтда охирати яқинлашганини сезган Музаффарий ҳукмдор соҳибқиронга мактуб йўллайди. Унда жумладан шундай ёзади: «Менинг қуним битганга ўхшайди, ўғлим Зайналобидин ва бошқа фарзандларимни сизга ишонаман, мен сизнинг ихлосмандингиз ва тарафдорингизман». Қизиги шундаки, худди шу мазмундаги хатни тез орада соҳибқиронга қарши курашга кирган Султон Аҳмад Жалойирга (1382—1411) ҳам юборади. Султон Аҳмад жавоб хатида унинг илтимосини қабул қилгани ва бу борада бевафолик қилмаслигини алоҳида таъкидлайди. Амир Темур жавоб хати ёзган-ёзмагани номаълум. Аммо 1387 йили Лилонда (Лайлон; Марогадан 22 км нарида тарихий Озарбойжонда) туриб Амир Темур Шоҳ Шужо ўлимидан сўнг тахтни эгаллаган Зайналобиддинга хат йўллаб шундай деган: «Сенинг марҳум отанг биз билан дўстлик ришталарини боғлаб итоат ва тобелик мақомида эрди. Шу важдан ҳам сени ҳузуримизга келишинг зарурдирким, то биз ул вилоятни янгитдан сенга хатлаб бергунимиздир. (Сўнг эса) сени (шундай дабдаба билан) ўз юртингга йўллайликки, то шукуҳингга муносиб бўлгай». Кўриниб турганидек, аввалги аҳдга биноан соҳибқирон Зайналобидинни чорлаб ўртадаги алоқани яна бир бор мустаҳкамламоқчи. Ва доим бўлганидек, ўзига тобе бўлганларни ўз юртида қолдириш усулини янги музаффарий ҳукмдорга нисбатан ҳам қўлламоқчи. Ваҳолонки, бу вақтда Амир Темурнинг куч билан уни бўйсундиришга имкони етарли эди. Кейинги воқелар эса буни исботлади. Яъни Зайналобидин нафақат аҳдни бузди, балки Амир Темур элчиларини вақтида қўйиб юбормай ушлаб қолди. Бу ҳам майли. Соҳибқирон й

РАМАЗОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Муборак Рамазон ҳайити ҳам мустақиллик шарофати бўлиб, миллий қадриятларимиз тикланганидан нишонадир. Мана беш йилдирки халқимиз ўз динини, анъаналарини давом эттириб, қадимий расм-русмларга амал қилмоқда. Мусулмон байрамларини умумхалқ шодиёнаси тарзида дам олиш куни қилиб белгиланган ҳам ҳуқуқий-демократик давлат бунёд этилаётганининг тимсоли дейишимиз мумкин. Бу шундай айёмки, одамлар ўттиз кун Аллоҳ йўлида рўза тутиб, сабр ва қаноатда собит туриб, савобларга доҳил ҳолда тонг саҳарлаб ҳайит намозига ошиқадилар. Байрам куни одамлар бир-бирларига илҳақ бўладилар, меҳр-муҳаббат кўрсатадилар. Оқсоқоллар, табаррук онахонларнинг кўнгли олинади. Барча гина-кудуратлар унутилади. Ҳар киши ўзини меҳмондек ҳис этади.

Бу байрамда етимесирлар кўнглини олиш учун совғалар инъом этилади. Ногиронлар ҳам бундай эътибордан четда қолмайдилар. Ҳа, Рамазон ҳайити айёми инсонда илоҳий туйғу ва фикрлар косаси тўлиб тошадиган учрашувлару дийдорлашувлар кунидур.

Ийд-Рамазон намози Жума намозини ўқишга лаёқатли кўзи, оёғи соғ бўлган эрлар учун вожибдур. Намознинг нияти қуйидагича: «Ният қилдим, шу вақтда вожиб бўлган ийд-Рамазон намозини ўқимоққа. Айтиладиган барча такбирлар билан юзимни Каъбанинг бир бурчига қаратдим ва саф олдидаги имонга иқтидо қилдим, ёлғиз Аллоҳ учун», деб «Аллоҳу акбар», дея бош бармоқларини қулоққа теккизилади. Қўллар қовуштирилиб сано ўқилади... Ийд-Рамазон намозидан олдин бирон нарса тановвул қилиб олмоқ мустаҳабдур. Намозга боришдан олдин ювиниш, янги ва тоза кийимларни кийиш, хушбўй нарсалар суртиш суннатдур.

Рамазон ҳайитингиз муборак бўлсин, азизлар!



ПАЙҒАМБАРИМИЗ ВАСИЯТЛАРИДАН

— Ё, АЛИ, мўминда уч аломат (ҳислат) бор: биринчиси шуки, намозни вақтида ўтайди, иккинчиси Рамазон ойида рўзадор бўлади, учинчиси молининг закотини беради.

***

— Ё, АЛИ, золимда уч аломат (белги) бор: биринчиси шуки, қўл остидагиларни ранжитади, иккинчиси қўл остидагиларни ҳурматламайди, учинчиси одамлар моли (ҳаққи)ни ноҳақ ейди, қўрқмайди.

***

— Ё, АЛИ, оқилда уч аломат (ҳислат) бор: биринчиси шуки, бойликка ружу қилмайди, иккинчиси жафо кўрса чидайди (тоқат топади), учинчиси қийинчиликда собир (сабрли) бўлади.

***

— Ё, АЛИ, яхши кишида уч фазилат бор: Худо Таоло ва ўзи ўртасида яхши ҳамда тўғри иш тутади, ўз гуноҳларини товба қилиш ва кечирим сўраш билан яхшилайди. Ўз нафсига нимани лозим кўрса, бошқаларга ҳам ўшани истайди.

***

— Ё, АЛИ, дўстда уч фазилат бор: ўз нафсини дўстга бағишлайди, бойлигини дўстига ошкор қилади, дўстининг сирини фош қилмайди.

ЭРТАНГИ КУН УМИДИ

Истиқлол мафкураси асосини Ватанни ардоқлаш, ватанпарварлик ғояси ташкил этади. Зеро, иймон, инсоф, диёнат, меҳр-оқибат, она юртга, Ватанга содиқ бўлиш ахлоқий-маънавий қадриятлар, удумлар билан бевосита қоришиб кетгандир. Шу ўринда, айниқса, ёшлар шуурида ана шундай фазилатларни шакллантириш муҳимдир. Самарқанд давлат университети жамоаси ёшлар тасаввурида истиқлол мафкурасини қатъий шакллантириш борасида арзирли тажриба ва анъанага эгадир.

Олий даргоҳ талабаларининг турли илмий тўгараклари, «Шалола» ижодий-бадиий клуби машғулотларида миллий ўзликни англаш, маънавий қадриятларимизни ўзлаштириш борасида баҳс-мунозара, бадиий ўқиш, талабалар ижодидан намуналар танлаб олинади.

Кези келганда яна бир мулоҳазани ҳам айтиб ўтмоқчимиз. Талабаларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини аниқлаш, интеллектуал қобилиятни билиб олиш мақсадида ҳар бир олий ўқув юртида жамоатчилик асосида социологик тадқиқотлар ўтказиш лабораториялари очилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ўшанда студент-ёшларнинг нафақат билим савияси, балки ижтимоий-маданий эҳтиёжлари ҳам ўрганиларди. Шунингдек, олий ўқув юртлари ўз жамоа аъзоларининг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш асосида ижтимоий сиёсий ҳаётдаги айрим салбий ҳолатларни бартараф этишни ҳам тадқиқ этган бўлур эди.

Агар талабаларнинг ҳақиқий билимдонлигини, истиқлол мафкураси ҳақидаги тасаввурларини бугунги кун талаблари асосида баҳоламасак уларнинг билим доирасини чегаралаб қўйган бўламиз.

Мустақил мамлакатнинг олий таълим тизимидаги ислоҳотларни дунё талаблари даражасига кўтариш учун аввало ёшлар кўнглида эртанги кунга ишонч туйғуларини уйғотиш энг муҳим талабдир.

И. САИДОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.
Ҳ. КАРИМОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

ҲАФСАЛА

Дераза ромларини бўяшдан олдин ойнани пиёз бўлаклари ёки сиркада хўлланган латта билан артсангиз, буёқ юқларини тозалаш осон бўлади.

***

Ёғоч жиҳозларни зайтун мойи ва вино сиркаси аралашмасида тозалаб, юмшоқ ва қуруқ латта билан ишқаласангиз ялтирайди.

***

Агар доғ бўлган ёғга бутун пиёз, сабзи ёки бир-бурда қаттиқ нон ташлаб қўйсангиз ёғ секин жазиллайди, бу нарсалар ёғ таркибидаги аччиқ зарарли моддани йўқотади.

***

Мабодо ёғингиз ёниб кетса, қозоннинг қопқоғини дарҳол жипслаб ёпинг, шундай қилсангиз ҳаво кирмайди, озроқ тўғралган сабзи солиб юборсангиз ҳам аланга ўчади.

***

Гуручни ювганда сувга 1-2 ош қошиғида туз солиб юборсангиз ғубори яхши кетади ва бундай гуруч сувдан олиб қўйилганда ҳам узоқ вақтгача уқаланиб кетмайдиган бўлиб қолади.

***

Пиширилган палов жуда шўр бўлиб кетган бўлса (дамлаганда гуручнинг бетига нон ёпиб, сўнгра дамтовоқни (дамгирни) боссангиз, ҳар ҳолда тузи бирмунча қирқилади.

БИР ЛАҲЗАЛИК ДАРД АЗОБИ

Шифокор огоҳлантиради

Қутуриш хасталиги инсониятга бундан беш минг йил олдиндан маълум. Шарқ табобати тарихидан маълумки, бу касаллик билан ёввойи ва уй ҳайвонларининг барчаси, тропик минтақаларда эса ҳатто қўршапалаклар ҳам чалиниши мумкин. Тарқалишининг асосий сабабчиси — қутурган итлар эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Тошкент шаҳрида қутуришга қарши тадбир чораларини тафтиш қилиш шуни кўрсатдики, қутуришга нисбатан эпидемиологик ҳолат ёмонлашган. Айниқса, болалар ўртасида кейинги пайтда ит тишлаш ҳодисаси 56 фоизни ташкил қилади. Масаланинг ачинарли томони шундаки, кейинги вақтда аҳоли ўртасида ит қопганини яшириш ҳоллари кўпаймоқда. Бироқ шуни унутмаслик керакки, қутуриш касаллигини фақат унга қарши ўз вақтида эмлаш орқали олдини олиш мумкин. Ёхуд оқибати...

Ит қопиши туфайли жароҳатланганларнинг кўпчилигини бош, бўйин, юз ва қўллари тишланган бўлади. Бу хавфни янада оширади. Боиси, қутуриш вируси асаб толалари орқали бош мия томон ҳаракат қилади. Касалликнинг яширин даври ўн кундан бир ойгача эканлигини эътиборга олсак, ит қопганда зудлик билан эмлатиш зарурлигининг муҳимлигини тушуниш қийин бўлмаса керак.

Ит тишлаганда аввало ўша жойни совунли сув билан ювиш, яра атрофларини йод билан артиш лозим ва тезликда шифокорга, жойлардаги даволаш ташкилотларидаги травматология бўлимларига мурожаат қилишни унутманг.

Кўҳна Вавилон давлатининг қонунлар мажмуасида бундан 2300 йил олдин: «Агар қутурган ит ушланса, жойлардаги ҳокимлар ит эгасини аниқлашлари, ит бойланмаганлиги туфайли бирор кишини тишласа, бунинг оқибатида ит тишлаган одам ўлса, ит эгаси жабрланган томонга маълум миқдорда пул тўлаши зарур», — дэб ёзиб қўйилгани бежиз эмас. Бу борада мутасадди ҳуқуқшунос олимларимиз ўйлаб кўрсалар айни муддао бўлар эди. Чунки бу ерда инсон ҳаёти хавф остида эканлигини унутмайлик.

Абдуваҳоб ТОҲИРИЙ,
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кафедраси катта ўқитувчиси.

Китоб жавонингизга

«МУҚАДДАС ЮРТ ЖОЗИБАСИ»

Қурби етган ҳар бир мусулмон ҳаётида бир марта бўлса-да, Маккаи мукаррамадаги Байтуллоҳга ҳаж қилиши фарз. Бу ислом рукнларидан биридир. Ана шундай муборак сафарга бориш насиб айлаган кимё фанлари доктори, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси профессор Қудрат Аҳмеров ўз таассуротини «Муқаддас юрт жозибаси» номли мўъжазгина китобчага жамлабди.

«Ушбу сафарда, — деб ёзади муаллиф, — ҳаж арконларини амалга оширишга, пайғамбаримиз туғилиб ўсган Маккаи мукарраманинг тарихий обидалари, Мадинадаги яшаган уйлари ва бу ердаги ёдгорликларни кўришга эришдим». «Меҳнат» нашриётида чоп этилган мазкур рисола билан танишар экансиз, Қудрат ҳожи Аҳмеров ила гўё сиз ҳам сафарга отланасиз. Бир томондан ҳар бир иймонли мусулмоннинг ҳамиша дилида бўлгувчи Макка, Мадина, Каъбатуллоҳ сингари муқаддас даргоҳ номлари билан боғлиқ тарихий воқеалардан воқиф бўласиз. Шу билан бирга пайғамбарларнинг энг сўнггиси Муҳаммад алайҳиссалом ҳаёт йўллари, ислом тарғиботчиси сифатида қилган саъй-ҳаракатлари, унинг ривожи йўлида олиб борган курашлари, кўрган азобу уқубатлари ва ниҳоят, ғалабаси ҳақидаги аввал билганларингизга қўшимча маълумотлар оласиз.

Бўлажак ҳожилар билан Каъба атрофини етти марта айланиб, тавоф этгач, Сафо ва Марва тоғлари орасидаги йўлдан ҳам етти марта бориб келасиз. Бориб келасиз-у, шифобахш неъмат — оби зам-зам сувидан баҳраманд бўласиз. Арафот тоғидаги Одам Ато билан Момо Ҳаво онамиз дастлаб учрашган жойларини, кишини ўзига мафтун этувчи муқаддас Хажар ул-Асвад (Қора тош)ни кўргандек ҳис этасиз ўзингизни. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг масжидлари — Масжидуннабийни ва Сарвари олам дафн этилган ҳужраи саодатни тавоф айлагандек бўласиз.

Рисоланинг индаллосидан адоғигача муаллиф ўқувчини сира зериктирмайди. Боиси, сафар таассуроти зиёрат қилинган масканлар билан боғлиқ тарихий манбалар асосида тўлдирилганидан бўлса керак. Зеро, таъбир жоиз бўлса, «Муқаддас юрт жозибаси» ҳар бир мусулмоннинг Ислом фарзини бажаришида йўл-йўриқ кўрсатувчи қўлланма ҳамдир.

Шу улуғ айём — муборак Рамазон ҳайити кунларида ҳар кимга ҳам қутлуғ ҳаж тавофи насиб этишини Оллоҳ Таолодан сўраймиз. Бизни ҳам ўша кунларга етказсин, илоё.

Умида ФАЙЗИЕВА.

ФОЗИЛЛАР СУҲБАТИГА МАРҲАБО

Хабарингиз борми?

Шу йил 22 февраль соат 17.00 да республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказида «Икки буюк тақдир: Амир Темур ва Бобур Мирзо» мавзуида маърифий кеча бўлади. Уни жамоатчилик маркази Бобур номидаги халқаро жамғарма билан ҳамкорликда ўтказади. Бу анжуманда Бўривой Аҳмедов, Сабоҳат Азимжонова, Азиз Қаюмов, Зокиржон Машрабов, Иброҳим Ғафуров, Бегали Қосимов каби фозилу фузалолар, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Пиримқул Қодиров, Неъмат Аминов, Муҳаммад Али, Хайриддин Султон, Қамчибек Кенжа, Тўлан Низом, Турсуной Содиқова, Муҳаммад Юсуф каби ёзувчи ва шоирларнинг маърифатли гурунгларидан баҳраманд бўласиз. Бобурийлар авлоди Минҳожиддин Тусий сўзлари барчада қизиқиш уйғотади. Фаттоҳхон Мамадалиев, Маъмуржон Тўхтасинов, Муножот Йўлчиева, Марям Сатторова сингари санъаткорлар нағмаси анжуманга алоҳида тароват бахш этади. Кеча дастурини Муҳаммадали Абдуқундузов олиб боради.

СПОРТ

ВАТАН ИШҚИДА ТЎП СУРАМИЗ

Рамазон ҳайити арафасида футболимиз ривожига бағишланган анжуман ўтказилди. Бу тадбир Республика Вазирлар Маҳкамасининг юртимизда футболни ривожлантиришга бағишланган қарорининг эълон қилинганига бир ой бўлганида ташкил этилди.

Йиғилишда футболимиз жонкуярлари, мутахассислар, мутасаддилар, нуфузли идораларнинг раҳбарлари ва бошқалар иштирок этишди. Йиғилиш аҳли ўтган йилги футбол мавсумининг ҳосиласи, йўл қўйилган камчиликлар, амалга ошмай қолган тадбирлар, шунингдек, янги мавсум юмушлари ҳамда футболимизда туб ўзгаришлар қилиш юзасидан саъй-ҳаракатлар ҳақида фикрлар айтишди, таклифларни ўртага ташлашди, мулоҳазалар билдиришди.

Ўзбекистон футбол федерациясининг президенти З. Алматов ўз маърузасида республика футболи олдида турган долзарб вазифалар ҳақида сўзлади. Ушбу тарихий ҳужжатнинг аҳамияти ҳақида гапириб, юртимизда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш тадбирлари ҳақида сўз юритди.

— Футбол шундай сирли оламки, — деди у, — жаҳонда ҳали ҳеч ким билмаган, эшитмаган бирон бир мамлакатнинг номини бор-йўғи 11 нафар футболчи ўзи кўрсатган маҳорат туфайли довруғини достон қилиб юбориши мумкин. Ахир бундай жаҳоний эътирофни ўнлаб дипломатлар ҳам эплай олмайдилар-да.

Йиғилишда баён этилган фикрлардан шу нарса аён бўлдики, футбол клубларини жаҳон андозаларига мослаш, ўз харажатини ўзи қоплайдиган даражага эришиш, ҳар бир ўйинчининг моддий манфаатдорлигини таъминлаш мумкин. Зеро, футболчи майдонга юрт ишқида ёниб, ватанпарварлик туйғусини кўнгилга туйиб, ўзининг маънавий баркамоллигини намоён этмас экан орзуларнинг рўёбга чиқиши қийин. Ҳар бир футболчи Ватан шарафи, миллат ифтихори билан яшил майдонда жавлон урса, унинг шаънига олқишлар сарбаланд бўлаверади.

Сўзга чиққанлар ва мулоҳаза билдирганлар футболимизда туб ўзгаришларнинг асоси ўринбосарлар тарбияси билан шуғулланишдир, деб таъкидладилар. Мавжуд тўртта ихтисослашган, 33 та болалар ва ўсмирлар футбол мактаблари, кўплаб футбол бўлимларида олиб борилаётган ишлар самараси бугунги кун талабига жавоб бермайди. Ҳар бир жамоа ва ҳаваскор гуруҳларни тўплар ва кийим-кечаклар билан таъминлашга аҳамият бериш керак. Қарорда таъкидланганидек, Ўзбекистон жисмоний тарбия институтида футбол мураббийларини тайёрлаш билан боғлиқ ишлар бошлаб юборилганлиги қайд этиб ўтилди. Мамлакатдаги олий ва биринчи лига футбол жамоаларига мўлжалланган ўйингоҳларни таъмирлаш ишларини муддатида якунлаш чоралари кўрилаётгани ҳам муҳим. Йиғилиш охирида ўтган йил мавсуми бўйича юксак натижаларга эришган футболчи ва жамоаларга эсдалик совғалари топширилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқалар иштирок этишди.

Ҳайдар НОСИРОВ.

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Хоразмда кўплаб ашула ва рақс ансамбллари, санъат жамоалари, таниқли ҳофизлар, истеъдодли ёшлар «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуидаги кўрик-танловга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

Шу мавзудаги кўрик-танловни ўтказувчи вилоят ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилишида қўшимча тадбирлар белгиланди. Йиғилишда Ватанга муҳаббат туйғуларини тараннум этишда шоир ва бастакорлар ҳамкорлигини йўлга қўйиш, кўрик-танловни дастлаб жамоаларда, кейинчалик шаҳар ва туманларда, ниҳоят вилоятда юксак савияда ўтказиш, бунинг учун жойларда тайёргарлик ишларини янада жонлантириш зарурлиги таъкидланди. Ташкилий қўмита аъзоларининг ахборотлари тингланди.

Шу кунларда кўрик-танловнинг биринчи тури муваффақиятли бошланди. Вилоят телевидениеси ва радиоси орқали айрим жамоа, туман санъаткорлари ўз маҳоратларини намойиш қилишмоқда.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Самарқандда -- 35-22-90;
Бухорода -- 3-54-87; Тошкентда-- 33-12-56;
Гулистонда -- 2-26-22; Урганчда -- 6-51-35;
Жиззахда -- 3-31-86; Фарғонада -- 26-37-16;
Навоийда -- 3-75-43; Қаршида -- 3-25-79;
Наманганда --6-43-43; Қумқўрғонда -- 5-26-24.
Нукусда -- 7-58-83;

Сотувда эркин нархда.
● Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120
● Газета офсет усулида А—2 форматида босилади
● Ҳажми 2 босма табоқ
● Г — 062

Навбатчи муҳаррир А. МАННОПОВ, навбатчи Р. ШОДИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 23. 00. 1 2 3 4 5 6.